



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЎЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

*Қодирова Шоҳиста Хайдаровна*

*“5310200 “Психология” таълим йўналиши бўйича бакалавр*

*даражасини олиш учун*

*“Касб – ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий қадриятлар  
асосида касбий маданиятни шакллантиришнинг психологик*

*асослари ” мавзусида ёзган*

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар : ўқит.З.Файзиев

“Ҳимояга тавсия этилди”

Педагогика – психология факультет

декани \_\_\_\_\_ доц.Б.Жўраев

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2013 йил

Қарши - 2013

## Мундарижа

Кириш.....

### **I –Боб. Касб –хунар коллежи ўқувчиларида касбий маданиятни миллий қадриятлар асосида шакллантиришнинг назарий ўрганиш.**

1.1. Буюк мутафаккирлар ижодида ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришга доир ғоялар талқини.....

1.2. Касб –хунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантириш масалалари.....

### **II- Боб. Касб – хунар коллежи ўқувчиларида миллий қадриятлар асосида касбий маданиятни шакллантиришнинг амалий жиҳатлари.**

2.1. Ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантириш тизимида маънавий – психологик тадбирларнинг ўрни.....

2.2. Ўқувчилар касбий маданиятини шакллантириш тизимида таъсир этувчи психологик омиллари.....

**Хулоса ва тавсиялар.....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**

## Кириш.

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунга кундаги ёшларимизнинг ҳар томонлама кучли, билимли, салоҳиятли, тафаккур доираси кенг, ўз ишининг моҳир ижодкори, ўз Ватанининг жонкуяри бўлиши, мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларимизнинг илм фаннинг сўнгги ютуқларидан тўлиқ баҳраманд қилган ҳолда, уларга тарихимизни, миллий қадриятларимизни, маънавий меросимизни тўлиқ ўргата боришимиз керак. Бу билан ёшларда уларни касбий маданиятини ҳам шакллантирган бўламиз.

Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф – одатлари, тили ва руҳи негизида қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, мардлик ва сабр – бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим . Шу боис истиқлол туфайли барча маънавий меросимиз, урф – одатларимиз, қадриятларимиз тикланди.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ёшларимизнинг касбий маданияти ва таълим тарбиясига жуда катта аҳамият берганлар. Улар касб – ҳунар таълимига, таълим ва тарбиянинг зарур тарбиявий қисми сифатида ёндошганлар ва уни ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия билан бирга олиб бориш зарур, деб ҳисоблаганлар. Шундай экан миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлиш масаласи “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус касб – ҳунар таълими стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2000 йил 16 октябр қарорида тўла тўқис ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларни тилилари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди,

уларни ривожланиши учун шороит яратади” деб белгилаб қўйилган (144). Шунини айтиш жоизки, И.А.Каримов ўзининг “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби” асарида “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослигини қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва таракқий эттириш йўлида мувоффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир” деб таъкидлайди. (382 – бет.)

Ўқувчиларни касбий маданиятини шакллантиришда миллий кадриятларнинг таъсир кучи ниҳоятда катта.

Миллий кадриятлар мазмунан миллатнинг ғоялари, қарашлари, эътиқодлари, маънавий турмуш тарзини, орзу истакларни, келажак мақсадини ифода этади.

Улар ижтимоий онгнинг муҳим шакллари сифатида ўқувчиларнинг онги, ҳатти – ҳаракатларида фаолиятларига таъсир этади ва ўқув жараёнида ўзининг қийматини оширишни ҳам таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида; 1996 йил 9 сентябрда чиқарилган “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фармони (85.74). Биринчи чиқиш Олий мажлис XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли маърузаси ва “Хушёрликка даъват” рисоласида маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни бажариш борасида 2000-2002 йилларга мўлжалланган давлат илмий – техника дастурининг концепцияси буларга яққол мисол бўла олади.

Шарқ маънавий маданиятининг турли жиҳатлари уйғониш даврида жуда ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод қилган Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг ижодлари педагогик

тафаккур тараққиётида инсоннинг маънавий – ахлоқий камолотида, умумбашарий маънавий кадриятлар юксалтиришда муҳим босқич бўлади.

Улар шарқона ахлоқ-одоб талаблари асосида комил инсон, адолатли жамият ва давлатни шакллантиришнинг маънавий асосини яратишга муфовиқ бўлдилар.

Абу Насир Фаробийнинг маърифий қарашлари ўрта асрларда мавжуд бўлган маънавий – фалсафий муаммолар тана ва рух, борлик, ҳаракат, фазо ва вақт, сабаб тўғрисидаги тасаввурлар билан бирга майдонга келди. Унинг фикрича барча муаммоларни ечиш калити олий мақсадли жамоа, барча маънавий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсонадолатли жамият фаровон турмушнинг гаровидир.

Абу Райҳон Беруний ва Абу Абдуллоҳ муҳаммад ибн Исмоил ал – Бухорийнинг таълим – тарбиявий қарашларида умуминсоний ва миллий кадриятларга бўлган эътиқод, муҳаббат асосида шахсни маънавий камолга етказиш ғояси ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан биз ҳам ҳозирги кунда академик лицей ва касб – ҳунар коллежларида таълим олаётган ўқувчиларнинг миллий кадриятлар асосида касбий маданиятини шакллантириш мақсадида халқ педагогикаси ва ўтмишда мутафаккирларимиз таълим – тарбияга оид қарашлари тизимини методологик асос сифатида қабул қилишни лозим топдик ва шу асосида ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришда улардан фойдаландик.

Миллатимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган анъаналари ва урф – одатларига, ижтимоий – фалсафий, ахлоқий – эстетик ифодаларига, ўзлигини намоён этиш хусусиятларига, бунёдкорлик салоҳиятларига асосланган ҳолда ёшларни замонавий билимлар, маънавий бойлигимиз ва келажакдаги режаларимиз билан яқиндан таништириш, маърифий ташвиқот ва тарғиботни изчил йўлага қўймоқ керак.

Кейинги йилларда таълим ва тарбия тизимида, ўқувчиларни халқимизнинг миллий кадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, халқ ижоди намунаси асосида тарбиялаш ва таълим бериш психологик муаммо сифатида

кириб келди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, мактабларда ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда кадриятлардан фойдаланиш бир катор олимларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этган. Бу масалаларга М.Г.Давлетшин, А.М.Жабборов, О.Мусурмонова, У.Махкамов, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Қуронов, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев каби таниқли олимларни ёндашувларини келтириб ўтиш ўринлидир.

Касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантиришнинг миллий услубий асосларини яратишда миллий педагогикамиз намоёндаларининг илмий меросларига ҳам мурожат этилади: Имом ал-Бухорий, Исҳоқхон Ибрат, Имом ат –Термизий, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Ал-Хоразмий, Абу Насир Фаробий, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар.

Шундай қилиб, касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини шакллантириш муаммосининг махсус тадқиқ этилмаганлиги **“Касб – ҳунар коллежи ўқувчиларида касбий маданиятни миллий кадриятлар асосида шакллантириш”** мавзусини танлашга асос бўлди.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Ўқув-тарбия жараёнида, касб – ҳунар таълим муассасаларида бўлажак кичик мутахассисларнинг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантириш тизимини, моделини, мазмунини аниқлаш ва уни амалга оширишга фойдаланиши мумкин.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари.**

- буюк мутафаккирларнинг таълим – тарбияга оид қарашлари, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, кадриятларимиз воситасида ўқувчилар касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантириш педагогик муаммо эканлигини илмий асослаш, унинг мазмуни, яхлит тузилишини аниқлаш;

-шарқ мутафаккирлари ижодида ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантиришга таъсир этувчи ғояларнинг имкониятларини очиқ бериш;

- ўқув-тарбия жараёнида, касб маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришнинг шакл, усул ва воситаларини тиклаш;

- касб – ҳунар таълим муассасаларида бўлажак кичик мутахассисларни касбий тайёрлаш фаолияти (профессиограммаси) таркибий қисмини аниқлаш;

- бўлажак кичик мутахассисларда касбий маданиятини шакллантиришга оид илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тажриба синов ишларини амалга ошириш.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Касб – ҳунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўқув – тарбия жараёни.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Ўқув-тарбия жараёнида, касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришнинг мазмуни, шакл ва усуллари.

**Битирув малакавий ишининг илмий фарази.** Касб – ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришни амалга ошириш мумкин агарда:

- буюк мутафаккирларнинг ижодидаги таълим – тарбияга оид ғояларни ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришга қаратилган бўлса;

- ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантириш тизими ишлаб чиқилса;

**Битирув малакавий ишининг методи.** Қўйилган вазифаларни ҳал этишда қуйидаги тадқиқот методларидан фойдаланилди: мавзуга оид фалсафа, педагогика, тарих, маданиятшунослик асослари бўйича илмий – амалий назарий адабиётларни, ҳукуматимизнинг расмий ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, ёзма ва оғзаки сўровлар, суҳбат ва саволнома, натижаларга математик – статистик ишлов бериш, талқин қилиш, умумлаштириш, тадқиқот натижаларини расмийлаштириш.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Битирув малакавий иш кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.



## **I –Боб. Касб –хунар коллежи ўқувчиларида касбий маданиятни миллий қадриятлар асосида шакллантиришнинг назарий ўрганиш.**

### **1.1. Буюк мутафаккирлар ижодида ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришга доир ғоялар талқини.**

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида рўй берган муҳим ўзгаришлардан бири – маънавий янгилашни кишилар онги, тафаккури ва дунёқарашининг бойлиги, кенгайиб бораётганлиги ҳамда эркинлик касб этаётганидир. Хусусан ёшларимизнинг элу – юрт, халқ, миллат ва Ватан манфаатларини англаш, унинг шон – шавкати янада ошириш, илму фани ва маданияти ҳамда санъатини гуллаб яшнатиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ўтмишни, аجدодларнинг бой меросини, тарихи, дини ва қадриятларини таълим муассасаларида ўрганиш, муносиб баҳолаш борасидаги фаолиятлари муайян даражада кишини қувонтиради. Бу фикрлар мустақил Ўзбекистон ёшларини, ўрта махсус, касб – хунар муассасаларидаги ўқувчиларни тарбиялаш, маънавий маданиятини шакллантириш баросидаги талаблар қондирилган, деган маънони англамайди. Зеро, мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий, маданий ва сиёсий, маънавий тараққиёти қанчалар илгарилаб бораверса, навқирон авлодларимиз тарбиясига бўлган эҳтиёж – зарурият ҳам шунчалик ортиб, кучайиб ва кенгайиб бораверади.

Шу боис, мухтарам юртбошимиз И.А.Каримов Ўзбекистон ахбороти мухбирининг саволларига берган жавобида “Ҳозирги кунги энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларни қалбида миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр – садоқат туйғуларини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир”, деб уқтирган эди.

Демак, ёшларни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни маънавий камолотини шакллантиришни нечоғлиқ катта аҳамиятга эга эканлигини ўрганиши муҳимдир. Сирасини айтганда, азалий қадриятларнинг замондошларимиз, хусусан таълим муассасаларидаги ўқувчи ёшлар тарбиясидаги аҳамиятига қизиқиш халқ оғзаки ижодида, Қуръон Карим ва

Хадисларда, Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар Муса ал Хоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний асарларида, шунингдек, “Темур тузуклари” да, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий асарларида ҳам XIX асрнинг ўрталарида ижод қилган Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқумий ва бошқаларнинг китобларида, XIX асрнинг бошларида жадидчилар ҳаракатида умуминсоний кадриятларнинг аҳамиятига катта эътибор берилган. Лекин моддий ва маънавий кадриятларнинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ҳамда аҳамияти алоҳида олиб кўрсатилган.

Мутақилликни мустаҳкамлаш, адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этиш жараёнида ўқувчи ёшларни дўстлик, ўртоқлик, ҳамкорлик, биродарлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, аждодларимиз ҳамда авлодларимизни бир – бирига туташтириб, боғлаб авлодлар давомийлигини ифодалаб келаётган маърифий кадриятларимизнинг ўрни беқиёсдир. Маълумки, ҳар бир ёш авлодни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш замон талаби бўлиб келмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз курадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушни, ҳуқуқлари ва эркинлигини кафалатлаш, миллий кадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий – ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак”. Бунинг учун эса таълим тизимининг барча махсус касб – ҳунар таълим муассасаларида халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр – оқибат, инсоф, сабр – тоқат, адолат, маърифат, инсонпарварлик, имон, эътиқод, меҳнатсеварлик, касбкорлик туйғуларини ҳар бир ёш онгига мазкур юксак ахлоқий – маънавий кадриятларини сингдириш самарадорлигини таъминлаш учун эса касбий маданият муаммосини нафақат фалсафий, балки педагогик муаммо сифатида тадбиқ этиб унинг мазмун қамрови, таркибий қирралари, таъсир манбалари асосида ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

IX – XV асрлар Марказий Осиё маънавий маданияти ривожда муҳим давр ҳисобланади. Шарқ алломаларининг таълим – тарбияга, касб – ҳунарга оид қарашларида маънавий – маърифий қадриятларга бўлган эътибор асосий ўринда туради. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- Шарқ Ренессанси деб номланган IX – XV аср Марказий Осиё маънавий маданиятининг юксакликка кўтарилган, бой даври бўлиб, бу даврда илм – фаннинг икки йўналиши биринчиси – инсон учун табиий фанлардирки, у ақл кўзи билан эгалланади, иккинчиси – бу фанлар инсон томонидан бошқа кишилардан тақлид қилиб ўрганилади, улар асосида шароит қонунлари ётади;

- маънавий – маърифий қадрият даражасига кўтарилган халқ ҳунармандчилиги санъати ва меҳнат қадриятлари, кулоллик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, ўймакорлик, бадий – эстетик қадриятлар мусиқа, ҳаттотлик ва таржимонлик ривожланади;

- муҳим маданий қадрият ҳисобланган маданий – маърифий муассасалар (масжид, мадраса. Хонақоҳ, мақбара ва бошқалар), тарихий обидалар қуришга, халқини маънавий савиясини оширишга эътибор кучайтирилди;

Ислом оламида муҳим миллий қадрият ҳисобланган Қуръон Карим ва Хадисларни тўплаш ҳолига келтириш ва халқ ўртасида уларнинг таълим – тарбиявий қонун – қоидаларини тарғиб этишга катта аҳамият берилди;

Буюк олимлар ва фанлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир натижасида шарқ маънавий қадриятларнинг умуминсоний ва миллий асослари ишлаб чиқилди.

Бу даврда Шарқ мутафаккирларининг кўп қиррали илмий қадриятларни майдонга келишида ватандошларимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850), Абдулҳамид ибн Турк ал –Хутғалий (IX), Абдул Аббос Аҳмад ал-Фарғоний (797-865), Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий (IX), Абу Наср Фаробий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048) ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлади. Инсон ахлоқи ақлга, ҳулқ ва ҳатти – ҳаракати эса илм – фанни ўрганишга ва маърифатга

асослангандагина маънавий камолотга, касбий маданиятлиликка эришади. Мутафаккир алломаларнинг фикрича, инсонпарварлик ғояларининг амалга ошиши, маънавий баркамолликка, касбий маданиятлиликка эришув чуқур билим олишга ва маърифатли бўлишга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улар илмлиликни умуминсоний кадрият даражасида улуғладилар, жамиятнинг барча аъзоларини илм эгаллашга чақирдилар, илмнинг инсон маънавий ҳаётида тутган ўрнини юксак баҳоладилар.

Фаробий ўзининг “Бахт – саодатга эришув ҳақида”, “Фанларнинг таснифи”, “Фалсафий ўзгаришдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида”, “Илмлар ва санъатлар фазилати” каби кўплаб рисоаларда инсоннинг маънавий ривожланиш илм – маърифатга боғлиқлигини таъкидлайди. Абу Райҳон Беруний билим умуминсоний кадриятларни ўрганишнинг муҳим манбаи эканлигини алоҳида таъкидлайди. Илм – маърифатли одамнинг тақдири, инсонлар тақдири учун курашувчан, барча ахлоқсизликлардан узоқдир. “Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир”.

Ал – Хоразмий эса инсонинг хулқ – атвори, ҳатти – ҳаракати мантиқий фикрлашга асослангандагина мукамал шаклланиши мумкин, деган ғояни илгари суради. Амалда қўлланмайдиган билим инсонни маънавий ғофилликка олиб келади. Илмга амал қилмаган одамлар нодондир. Илмсиз одам бойликка, мансабга, ҳар хил тубанликка мойил, унинг кадр – қиммати жамиятга, инсонларга келтирган фойдаси билан белгиланади. Юсуф Хос Хожибнинг инсон ақли, билими ҳақидаги илмий – фалсафий мулоҳазаси мазмунида барча эзгу ишларнинг асоси илмда эканлиги ҳақида ғоя асосий ўринда туради.

Комил Хоразмий ўзининг таълим – тарбияга оид қарашларида инсоннинг олий мақсадга эришиши, адолатли жамият куриши учун маънавий кадриятлар воситасида, тафаккурни шакллантириш, мантиқий фикрларни ривожлантириш, касбий маданиятни шакллантириш лозим. Мантиқий

фикрларни ривожлантириш инсон фаолиятида ақл –идроққа, тафаккур қувватига таяниб иш кўрмоғи лозим.

Амир Темурнинг ўз фарзандлари – ю, набираларига қилган ўғитлари ва йўл – йўриқларига умрбод қатъий амал қилган.

Жамиятда ижтимоий адолат тантанаси учун курашда иккиланиш, чекланиш нималигини асло билмаган. Келинг, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Амир Темур жаҳонгир эрсада, у куч – қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча адолатда эканлигини чуқур англаб етади. Адолатни куч билан, кучни эса адолат билан алмаштиради. Темур тамғасининг нақши “Рости-русти” бўлиб, бу “адолатгўй бўлсанг нажот топасан” демакдир.

Буюк салтанат соҳиби Амир Темур “Куч - адолатдадир” шиорига қатъий амал қилиб, давлатни бошқаришда, жабр – ситам йўлини беркитган. Ўз даврида ҳеч бир давлатда бўлмаган ва тарихда камдан – кам учрайдиган – “Адолат амири” лавозимини таъсис этган.

Шунинг учун ҳам давлатни бошқариш, бахт – саодатга эришиш, комил инсонни тарбиялаш, мукаммал ва адолатли жамият барпо қилиш каби масалаларнинг ўзига хос талқин қилиш билан бирга улар ўртасидаги муштараклик ва ўхшашликлар кўп.

Умуман олганда, бу даврда фалсафа ва ахлоқшуносликка оид махсус рисолалар, ахлоқий фикрлар бадиий адабиётда, тасаввуф шеърлятида. Назм ва насрда, ғазал ва рубоийларда муфассал баён қилина бошлади.

Шарқ мутафаккирларининг маънавий маданият соҳаларига қўшган улушлари ниҳоятда бой бўлиб, мазмунан қадриятларнинг барча йўналишларини қамраб олганлиги билан характерлидир. Улар: маънавий – руҳий қадриятлар; меҳнат билан боғлиқ қадриятлар; диний қадриятлар тарзида ўз ифодасини топганлиги аниқланди ва уларнинг ўқувчиларида касбий маданиятни шакллантиришдаги муҳим омиллар эканлиги қўйида очиқ берилди.

Юқорида санаб ўтган қадриятларимиз аввало инсоннинг моддий эҳтиёжини қондириш, қолаверса маънавий ҳамда касбий онгни

шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Меҳнатсеварлик қадриятнинг моҳиятини ақлий ва жисмоний меҳнатга ижодий муносабат, онгли ва ҳалол меҳнат қилиб, жамиятнинг моддий ва маънавий ривожланишига таъсир этиш; меҳнат натижаларидан роҳатлана билиш, ўзгалар манфаати учун маъсулиятни ҳис этиш каби тушунчалар ташкил этади. Маънавий шаклланиш маънавий қадриятларнинг ички қурилишига асосланган ҳолда содир бўлади. Чунончи, ота – она фарзандларининг ўзаро муносабати, бугунги маънавий қадриятларнинг олтин калитидир. Мутафаккир олимлар халқнинг қадимий байрам анъаналари, маросимлари ва улар билан боғлиқ урф – одатларни бадиий – эстетик маданиятнинг муҳим воситаси сифатида асослаб бердилар. Яқин ва ўрта Шарқ халқлари маданиятнинг тарихий таракқиёт босқичларини, ривожланишини ва аҳамиятини умуминсоний маданият доирасида ёритадилар. Шарқ мутафаккирлари байрам ва маросимлар тарихини яратиш билан бутун халқнинг ижтимоий, маданий турмуш тарзи, меҳр – оқибатга олиб боровчи урф-одатлари, кийиниш маданияти ҳақида қомус яратдилар. Ўқувчи ўзлигини танишнинг асосий воситаларини кўрсатдилар. Педагогика назариясида ҳар қандай қадриятнинг миллий ва умуминсоний эканлиги, комил инсонни шакллантиришда тарбиявий тадбирларнинг таъсири тамойиллари илмий асосланади.

Масалан: “Наврўзнома” наврўзни келиб чиқиши, ер байрамлари, ҳайвонот дунёси, шароб ҳақидаги мулоҳазалар, Хикматлар ҳақида, қуллар билан ов қилиш, астрономия, от устида юриш каби қатор ҳаётий масалалар ҳақида сўз юритилади.

Маънавий – руҳий қадриятлар ёш авлоднинг маънавий маданиятини шакллантиришга таъсир этувчи миллий қадриятлар фақат ижтимоийгина эмас, балки педагогик муаммо ҳамдир.

Фалсафий талқинда қадриятлар – инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик каби жамият ва инсон учун ижобий аҳамият касб этувчи ижтимоий ҳаётда ва табиатда бўладиган янгилик, эзгулик, гўзалликдан иборат ҳолатлар

йиғиндисидир. Қадрият кенг қамровли тушунча бўлиб, воқеликдаги ходисаларнинг ижтимоий ва маданий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатилади. Қадриятлар инсон томнидан қадрланган нарсалардан иборат бўлиб, кишиларнинг талаби, хохиши, қизиқиши ва мақсади асосида ўзаро муносабат, таъсир натижасида вужудга келадиган ҳолатдир. Улар қуйидагича тасниф этилган. 1.4. Чизмада келтирилган.

Бадиий нафис қадриятлар – санъат ва адабиёт асосларидан эстетик завқ олиш учун у инсонларда гўзалликни ҳис эта билиши, ундан таъсирланиши, ҳаёт гўзаллиги, ижодий бадиий ютуқлардан илҳомланиш қобилиятини эга қилади.

Ижтимоий – сиёсий қадриятлар – сиёсий тафаккурни, ижтимоий фаолликни, жамият олдидаги маъсулият, ижтимоий ва маънавий жавобгарликни ҳис этишни, ҳақиқат учун курашишни, барчага садоқатни, миллатлар, элатлар ўртасидаги дўстликни, озодликни ва ўзлигини англашни белгилаб беради.

Меҳнат билан боғлиқ бўлган қадриятлар – касбий тафаккурни, меҳнатга лаёқатликни, касбга бўлган қизиқиш, меҳнат қилиш, чиниқиш, уddaбурон бўлишлик каби тафаккурни шакллантиришга имкон беради.

## Қадриятлар туркуми.

Ўқувчиларни касбий маданиятини шакллантиришга хизмат қилувчи қадриятлар.

### Характерига кўра турлари

Моддий қадриятлар

Маънавий қадриятлар

### Амал қилиш қамровига кўра

Умуминсонни қадриятлар

Миллий қадриятлар

### Мазмунига кўра

Ақлий билиш  
фаолияти билан  
боғлиқ  
қадриятлар

Ахлоқий  
мазмундаги  
қадриятлар

Ижтимоий  
сиёсий  
мазмундаги  
қадриятлар

Диний  
қадриятлар

Бадиий – эстетик қадриятлар

Экологик қадриятлар

### 1.4. Чизма.

Демак қадриятларни маҳиятини педагогик нуқтаи назардан изоҳлаганимизда инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган, амалий фаолиятда давр синовидан муваффақиятли ўтган, ўз шакли ва мазмунида у ёки бу халқнинг маънавий маданиятини шакллантириш манбаи сифатида қадрланиб келган маънавий руҳий ҳатти – ҳаракатлар, нарсалар ва ҳодисалар мажмуидир. 1.4. Чизмадаги моддий қадриятларни яратишнинг асоси моддий фаолият бўлиб, инсон ва жамият ҳаёти учун керакли ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади.

Маънавий қадрият турли ғоялар (илмий, фалсафий, касбий, ахлоқий, диний) йиғиндисини ташкил этади. Ҳар иккала қадрият бир – бирлари билан ўзаро касбий маданиятни миллий қадриятлар асосида шакллантиришга, жамият тараққиётига бевосита таъсир этади. Моддий қадриятларнинг



моҳиятини, инсоннинг яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган, ижтимоий – иқтисодий талабини қондирадиган барча турдаги нарсалар ва ашёлар ташкил этади.

Маънавий кадриятлар – негизида ўқувчиларнинг ҳар томонлама шаклланишида маънавий озуқа оладиган маънавий бойликлар мажмуаси ётади. Кадриятлар амал қилиш қамровига кўра умуминсоний ва миллий кадриятлардан иборат бўлиб, улар мақсад, вазифа ва мазмун қамровининг инсон ва жамият ҳаёти учун керакли ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади. Маънавий кадрият турли ғоялар (илмий, фалсафий, касбий, ахлоқий, диний) йиғиндисини ташкил этади. Умуминсоний кадриятлар – барча миллатлар манфаатига мос келадиган маънавий хазинадан иборат бўлиб, миллий кадриятлар билан ягона тарбиявий асосга эгадир. Маънавий кадриятлар занжирсимон: миллий кадриятлар – умуминсоний кадриятлар – минтақавий кадриятлар тарзида шаклланади ва ривожланади. Улар бир – бирини тўлдиради ва бойитади. Масалан: Муҳаммад ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий яратган бой маънавий мерос аввало миллий ва шу билан бирга Шарқ халқларининг ҳам кадрияти ҳисобланади. Бу маънавий меросдан бутун инсоният асрлар давомида ғоявий ва маънавий баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам уларнинг мерослари умуминсоний кадрият ҳисобланади. Мазкур кадриятлар ўқувчи онги ва фаолиятига ўзининг умумийлиги, яъни уларнинг қизиқиш ва талабларини қондириш, хусусий белгилари – зарурийлиги, фойдалилиги, маъқуллиги билан таъсир этади. Мазмунан ақлий билиш фаолияти билан боғлиқ маърифий кадриятлар ўрта махсус касб – ҳунар таълими ўқув муассасаларидаги ўқувчиларининг табиат ва жамият ҳақидаги илмий тушунчаларини кенгайтиришга, дунёқарашини шакллантиришга, билим савиясини оширишга касбий малакаларни шакллантиришга ҳизмат қилади (илмий, тарихий, инсоний, диний, бадий, касбий манбалар).

Бундай кадриятлар ўқувчига ўзбек халқининг жаҳон илм – фани тараққиётига қўшган ҳиссасини, ақлий камолоти диалектикасини илмий,

бадий асарлар орқали етказилади. Ҳар қандай кадриятларнинг англаш негизида икки босқичи мавжуд:

- биринчиси, у ёки бу маънавий нарсанинг, сиймонинг ҳақиқатда мавжудлигини ҳис этиш;
- иккинчиси, шу мавжудлик орқасида ифодаланган мақсадини мўлжаллаш ва натижаларга эришишдир.

Касб – ҳунар таълими муассасаларидаги ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантиришда иккинчи босқич муҳим ўрин эгаллайди.

Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб - ҳунар) ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу одатда, икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси – қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, интилиш ҳаракатга айлантирилади. Иккинчи йўл (ёки усул) – мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шахарликлар ва бошқа сахройи халқларга нисбатан ишлатилади. Чунки улар ўз истакларига сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмаслар.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига киришиш унинг халқлари тарихида муҳим инқилобий аҳамиятга эга бўлади ва ижтимоий тараққиётда катта бурилиш ясади. Жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий, маданий тараққиёти бевосита унинг маънавий – ахлоқий негизларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бу негизлар: умуминсоний кадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ватанпарварликдан иборатдир.

Мазкур маънавий ахлоқий негизлар замонида умуминсоний ва миллий кадриятлар муштараклигига асосланган ҳолда касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантиришга эришиш ётади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда Шарқ мутафаккирларининг дуру жавоҳирга тенг маънавий, касбий меҳнат таълими ва тарбиясига оид мерослари дастуриламал бўла олади. Нега – ки, ўтмишдаги барча етук мутафаккирлар ҳам таълим – тарбия ишларининг жамият тараққиёти учун бўлган катта аҳамиятни чуқур англаб етганлар, адолатли ижтимоий тузум ўрнатиш ҳақидаги қарашларини, таълимотларини шу муаммо билан боғлашга интиланлар. Улар касб – ҳунар таълимига таълим ва тарбиянинг зарурий таркибий қисми сифатида ёндошганлар ва уни ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия билан бирга олиб бориш зарур, деб ҳисоблаганлар.

Буюк мутафаккирлар учун комил инсон тимсоли камолотга етган, бирор – бир илм – фанга ёки ҳунарга ва энг яхши инсоний фазилатларга эга инсон бўлган. Улар ўз асарларида ўз фарзандларини меҳнатга нисбатан нафрат руҳи билан тарбия қилувчи одамларни қаттиқ танқид остига олганлар, бу руҳий қашшоқлашишга ва маънавий чиришга олиб келади, чунки инсоннинг маънавий ибтидоси меҳнат жараёнида пайдо бўлади, деб огоҳлантирганлар. Уларнинг асарларида меҳнатга инсон ҳаётининг моддий ва маънавий негизи. Инсон бахтининг манбаи сифатида қаралади. Зеро инсон моҳияти аждодларимиз томонидан жисмоний, ақлий ва маънавий яхлит тизим тарзида қабул қилинган. Ўша замонларда инсоннинг руҳий – маънавий фазилатларини мукаммаллаштирашдан туриб касб – ҳунарга ўргатиш мумкинлиги инкор қилинган. Шу ўринда Абу Наср Фаробий, ал – Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Довоний, Абу Али ибн Сино ва бошқа буюк мутафаккирлар шахс тимсолини қандай тасаввур қилганликлари тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур.

Бу тўғрисида Кайкавус мана бундай дейди: “Ёдингда сақла, ўғлим, бирор нарсага қодир бўлмаган инсон, доимо фойдасиздир ва у ҳеч кимга ёрдам бера олмайди. У бамисоли пояга эга, лекин соя бермайдиган тикандир. На ўзига, на бошқаларга фойда бермаган касб – корсиз одам ҳам худди ана шундайдир. Инсоннинг насл – насаби, келиб чиқиши қанчалик баланд

бўлмасин, агар у касб – ҳунарга эга бўлмаса, одамлар томонидан иззат ва ҳурматда бўлмайди. Агар унда олижаноблик ва бирор – бир нарсага кодирлик ҳам бўлмаса, бу янада ёмонроқдир. Чунки, буюклик насл – насабининг гўзаллиги ва олижаноблигида эмас, балки ақл ва маҳоратдадир. Агар сен ота-онангга мос бўлмасанг, фақат улар берган нарсалар билан мағрурланма. Агар сен олижаноблик дурдоналарига ва маҳоратга эга инсон билан учрашиб қолсанг, унга қаттиқ чирмашиб ол, чунки бундай инсонлар бошқаларнинг қийинчиликларини енгиллатиш қобилиятига эгадирлар”.

Ўрта аср Шарқнинг буюк сиймоси Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур “Дастуриламал ва насихатларида” шундай деб фикр юргизади: ...инсон ўзини инсон деб ҳисобламасдан аввал, нима туфайли уни инсон деб аташларини англаб етмоғи лозим. Инсоннинг моҳияти ва асосий белгиси унинг руҳидир. “Ушбу инсондаги энг асосий моҳиятидир...Нарса ва ҳодисаларни, ҳунарларини ўрганиши, ёмонликдан асраниш ва яхшиликка интилиш, инсоннинг ғамга ва шодликка, роҳатланишга доҳлдорлиги ва бошқа амаллар инсон руҳидан келиб чиқади. Инсон ўзига ўхшаган ҳаёт кечиргани, ўзаро муносабатда бўлгани ва фаолият кўрсатгани туфайли инсонга айланади”.

Ибн Сино фикрича “ҳар бир инсонга мойиллигидан ва истеъдодидан келиб чиққан ҳолда таълим бермоқ лозим. Акс ҳолда таълим ва тарбия кўзлаган натижаларни бермайди. Мураббий инсоннинг таълимига, бирор – бир ҳунар ва санъатга бўлган интилишини аниқлаш лозим, чунки уларга эга бўлгандан сўнг, у ўзини яшаши учун зарур воситалар билан таъминлай олади”. Ибн Сино “Уй – рўзғор турмуш тўғрисида” асарида болалар таълимининг гуруҳларда ўтказиш афзаллигини таъкидлаган: бир – бирларидан ўрганадилар, ғурур ва нафсоният ўқувчини бошқа ўқувчидан ортга қолдирмасликка мажбур қилади, ўзаро суҳбат қуриб, ўқувчилар ўз билимларини янада мукаммаллаштирадилар, уларда эшитиш ва гапириш маҳорати, бошқаларни ҳурмат қилиш шаклланади, бу эса пировардида уларда ахлоқий – эстетик талабларни бажариш маҳоратини шаклланишига имкон беради.

Олим ва мутафаккирларнинг фикрига кўра, бола таълим – тарбияси илк ёшлик чоғидан бошланиши, бу ёшда илм – фан ва ҳунар асослари жуда тез ўзлаштириш билан белгиланади.

Жамолиддин Давоний буни иборали ва бир маъноли равишда шундай ифодалайди: “Болаларнинг қалби исталган тасирини чизиш мумкин бўлган топ – тоза доскага ўхшайди”. Давонийнинг “Жалол этикаси” асарида ҳам қуйидаги панд – насиҳатларни учратиш мумкин: “Бир инсон ҳар турдаги ҳунар билан шуғулланмаслиги керак, чунки (бу) табиатга зиддир, (бу инсон) ҳеч қачон ижобий натижага эришмайди, чунки ҳар бир ҳунар зарур диққат ва вақтни талаб қилади”. Болаларнинг қобилияти ва имкониятларига нисбатан тўғри ҳунар танлаш ҳақида сўз юритар экан, Давоний шундай деб ўз фикрини давом эттиради: “Инсонда барча ҳунарларга қобилият йўқдир, аксинча ҳар бир инсон муайян бир ҳунарга мойилликка эга”.

Алишер Навоийнинг адолатли ижтимоий тузум ҳақидаги ғоялари тасаввуф тариқатларида олдинга сурилган фикрларда ҳам бу таълим – тарбия масаласига муносабат яққол кўзга ташланиб туради. Алишер Навоий шундай дейди: “Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия хайфдир. Тарбияни аяб унисини нобуд қилма. Тарбиянгни бериб бунисини зое кетказма”.

Алишер Навоий асрларида касб – ҳунар мадҳи кенг шарҳланади, яъни Алишер Навоий инсон ўз умри давомида мунтазам равишда камолот сари интилмоғи лозимлигини уқтиради. Бу ҳаёт пиллапояларида ҳам, илм – ҳунарда ҳам, касб-ҳунарда ҳам, касб ва машғулотлар такомиллашишида ҳам зарурий хислатдир.

Камол эт касбким олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамам ўтмак биайних,  
Эрур ҳамамдин нопок чиқмоқ.

Демак, жаҳондан тегишли камолот даражасига етолмасдан ўтиб кетиш ҳаммомга кириб покланмасдан чиқиш билан баробардур. Бунинг олдини

олиш фақатгина илм ва маърифат билангина бўлади, деб ўқтиради адиб. Адабиётшунос олим Иззат Султон “Хамса” ҳақида мулоҳаза юритиб, шундай ёзган эди: “Хамса” муносабати билан “Навоий сабоқлари” борасида кўп гап айтиш мумкин. Аммо атом ҳалокати ҳавфи остида қолган бугунги дунёда буюк “Хамса” муаллифининг инсонга, идрокка, келажакка ишончи биз учун энг муҳим сабоқ, сабоқларнинг сабоғи эмасми?

Шу масаланинг “Фарҳод ва Ширин” достонида айирча бир эътибор билан тасвирланганлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, биз “Хамса” дostonларида хилма – хил ҳарактердаги ўнлаб образларни турлича ҳаётий вазиятлар доирасида учратамиз.

Ақл, Идрок, Тафаккур, Касб ва ҳунар мадҳи “Хамса”нинг барча дostonларида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Мутаваккир адолат ва одил подшоҳ тўғрисидаги мулоҳазаларини билдирар экан, чўпон ҳақида қуйидаги ибратли фикрларни билдиради:

“Халқ пода бўлса, сен чўпон, у мевали боғ бўлса, сен боғбон. Қўйни агар ой – йиллар давомида чўпон асрамаса, уларнинг ҳаммаси оч бўриларга ем бўлади. Дехқон ўз гулзорига туну кун қарамаса, ҳўл кўчатлари, ахир ўтинга айланади. Бўрини мумкин қадар подадан узоқлаштир: боғни ҳам сув бериб обод қил. Пода тўғрисида қайғурсанг, у сенга кўп фойда келтиради. Боғ ҳам гул ҳам нафъи бор мевалар беради. Пода қирилиб, дарахтлар курисачи сенинг ўзинга ҳам ҳеч қандай нафъ ва фойда бўлмайди”.

“Ҳайрат-ул - аброр”нинг ўн бешинчи мақолати илм ҳақида бўлиб, илм йўлининг олис ва машаққатли экани, аммо унинг шараф ва обрўга лойиқлиги таъкидланади.

“Лайли ва Мажнун” достонида ҳам илм – ҳунар, билим ва билимдонлик мавзуси алоҳида ишланган.

Мажнун 4-5 ёш орасида мактабга берилади. Муаллим:

Топилади ҳунарвар устоде,

Одам ичида малак ниҳоде,

Мажнун ниҳоятда зехнли қобилиятли бола эди:

Таълимга белни чуст қилди,  
Не ул деди. Бу дуруст қилди.  
Бир неча сабоқ дебон фузунрок,  
Ҳамдамлари бу ҳолатидин.

“Сабъаи сайёр” да жуда кўплаб касб – ҳунар эгалари қаламга олинган. Достоннинг қолипловчи ҳикоясидаёқ, ҳар ким ўз касбини такомилга етказса. У кўп маҳорат қозонади деган ақида сингдирилган.

Илм ҳунар тасвири ва тавсифи “Садди Искандарий” да янада айрича мавқе касб этади. Достоннинг бошидан охиригача Искандарнинг илм ва олимларга ҳурмат билан қарагани таъкидланади. Искандарнинг устози Ниқомоҳис ниҳоятда билимдон донишманд эди.

Фаробий касб – ҳунарга оид инсоннинг ҳунармандчиликка ва санъатга бўлган қобилияти туғма, табиий эмас деб ҳисоблаган. Агар улар табиий бўлганда эди, ҳукмдорлар ўз мавқеларига ўз кучлари билан эмас, балки ўзларининг туғма фазилатлари туфайли эришган бўладилар. Фаробийнинг фикрича, раҳбарлар доно устоз, ғамхўр мураббий бўлган оила бошлиғига ўқшашлари лозим. Фаробий ахлоқий ҳислатларига ғоят катта аҳамият беради. Раҳбар, Фаробий айтганидек, жуда ақл – заковатли бўлиш, ҳақиқатни ва ҳақиқат учун курашувларни севиш, ёлғонни ва ёлғонга олиб келадиган шарт – шароитларни таг – томири билан йўқотиш лозим. Олим фикрича: маданий жамият шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб – баробар бўлади. Ҳар ким ўз истаган ёки танлаган касб – ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Фаробий инсоннинг юқори маънавий фазилатларини, уларнинг шаклланиш йўлларини ва ахлоқ нормаларини баён қилиб беради. Ана шундай фазилатларга у мардлик, эзгулик ёки саҳийлик, зеҳнлилик, халқпарварлик, самимийлик ва бошқаларни киргизади.

Фаробий асарларидан намуналар: “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билаш кераклиги тўғрисида” асаридан: фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни ҳирс-ҳаваслардан шундай тозалашингиз лозимки, мамиат ва

махванийт каби туйғулар нотўғри туйғуларга эмаас, балки камолотга бўлган хирс – ҳавас қолсин. Бунга хулқ – атвори фақат сиздагина эмас, балки ҳақиқатда (амалда) тозалаш орқали эришиш мумкин. Бу масалада киши чуқур тушуниш, шу нарсаларнинг одамзодга қайси жиҳатдан ҳамжинс эканлигини тўла ва яхшилаб тушуниб олиши керак. Бундан эса кишида шу нарсаларни одамзод ақлий равишда билиш мақсад – муддаоси ҳосил бўлади.

Энди инсоннинг касб – ҳунар ва санъатидаги фазилатига келсак, бу фазилат туғма эмасдир, акс ҳолда унинг фикрий фазилатида мутлоқо куч ва улуғлик бўлмас эди. Агар касб – ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлмаган, бир мажбурият бўлиб қолар эди. Назарий ва буюк фикрий фазилат. Улуғ туғма фазилат ва улуғ касб (касб - ҳунар) фазилати, одат – малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одатга айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чексиз ва жуда кучли табиат ва ирода эгаларидир. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Юқорида айтиб ўтилган фикрлар: касб – ҳунар, иш тажриба, қасд ва ҳайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг, уларни аста – секин эгаллашда юқорилаб юрадилар, ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантиқий фикрлаш йўлини ишлашга одатланадилар.

Тусийнинг “Таълим олувчининг тарбияси тўғрисида”, “Таълим олувчи таълим олиш йўлидан насиҳатлар” асарларида мутафаккир томонидан инсон фосиқ алломаларнинг сабаблари таҳлил қилинган, уларнинг етти ибтидоси бор: ҳассислик, жаҳолатга мойиллик, очкўзлик, кек сақлаш, шаҳватпараст, такаббурлик ва ҳасадгўйлик.

Қачон инсон ўз олдига ўзининг маънавий қиёфасини ўзгартириш ва ўзидаги одатларни енгиш каби мақсадларни қўйса ва бунга интилса, бу инсонда мос равишда, қарама – қарши, мақтовга сазовор фазилатлар пайдо бўлади, яъни: саҳийлик, қаноат ва бошқалар. Буларнинг ҳаммасига



Тусийнинг фикрича, тарбия жараёнида эришилади. Бундан ташқари Тусий шаклланиши тарбиянинг натижаси бўлган ўн тўрт маънавий фазилатларни аниқлаб беради: сабр –қаноат, мўтадиллик, ёрдамга ва дўстликка мойиллик, инсонийлик, сахийлик, хушмуомалалик, олийжаноблик, художўйлик, мўминлик ва бошқалар. Ақлий ривожланиш билан бир қаторда ушбу фазилатларнинг шаклланиши, Тусий фикрига кўра, инсонни баркамолликка етаклайди.

Маҳмуд Қойғарий илм аҳлининг инсон руҳий камолотидаги ўрнини юқори баҳолайди. Мутафаккирларни таъкидлашича, илм ўрганишда энг тўғри йўл доно, билимдон одамларга эргашишдир. Аммо уларнинг панд – насихатларини ҳаётга тадбиқ эта билашдир. Мутафаккирнинг таъкидлашича, илм аҳлининг панд – насихатини қабул қилиб, уни амалга оширишни яхши ҳислат ҳисоблайди, катталар тажрибаси ва панд – насихатлари ҳам инсон маънавиятига таъсир кўрсатувчи олим бўлишни айтади. Унинг кенглиги меҳнат ҳақидаги тадбиркорлик, ўзаро аҳлик, меҳнатсеварлик, қатиятлик қадим даврлардан бери инсоният улуғлаб келган ҳислатлардир деган фикр ўринлидир. Бу ҳислатларни у юқори баҳолаб, ҳар бир кишига меҳнатнинг аҳамиятини уқтириб: “Эшкаг экинда қолмас” – меҳнат бўш кетмайди, - деб ихлос билан қилинган меҳнатнинг зое кетмаслигини айтади.

Маҳмуд Қошғарий кишиларни бирлаштириб, ўзаро кенгашиб меҳнат қилишга чорлайди. “Кенгашлик билик ўзрашур, кенгашсиз билик ўпрашур” – маслаҳатли иш борган сари яхшиланиб боради, бемааслаҳат иш борган сари бузилишга юз тутаяди, - дейди у.

Аҳмад Дониш ҳунар ўрганиш муомаласига алоҳида эътибор беради. У ёшларни ҳунарни фақат фойдали бўлгани учун эмас, балки ҳаётий зарурияти бўлгани учун эгаллашга даъват этади.

Аҳмад Дониш айтмоқчи бўлган фикр шуки, ота – она болалари билан бахтиёрдир. Улар болалари учун яшайдилар. Шу туфайли болалар ҳам ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар учун ўз ота- оналарни айбламасликлари, сабр – чидам билан ўз тақдирларига бўйсунушлари керак. Аҳмад Дониш касб

танлаш ҳақида, касб танлашда унинг одамларга, жамиятга фойда келтиришга эътибор бериш кераклиги ҳақида билдирган фикрларни кўздан кечиран эканмиз, унинг ўқитувчилик касби хусусидаги қарашларида одоб – ахлоқ масаласига катта эътибор берганини кўрамиз. Бундан кўринадикки, Аҳмад Дониш ўқитувчи касбига нисбатан жиддий талаб қўяди. У гўзал ахлоқийлик ва чуқур билимдонликни ўқувчининг гўзал фазилати деб билади.

Мутафаккирнинг меҳнат қилиш ҳақидаги фикрлари ғоят муҳимдир. У меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказадиган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў тополмайди. Дейди ва меҳнат қилиш ҳақидаги фикрларини шундай яқунлайди: “дунёда меҳнатсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас”. Аҳмад Дониш болаларга берган насиҳатларида: “қайси бир хунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиши бўлсин”. Унинг жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатнинг боғлиқлиги ҳақидаги фикри ҳам диққатга сазовордир. Аҳмад Дониш ўз асарларида бу икки тур меҳнат бир хил моҳиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, агар улар дунёнинг гуллаб – яшнашини таъминласагина мақтовга сазовор бўлишини қайд қилади.

Сукротнинг таълимотича, инсон энг аввало, умумий ахлоқ мезонларини, инсон учун муқаддас бўлган фазилатларни эгаллаб олиши керак. Инсон ахлоқий фазилатларини илм – фан, таълим, меҳнат орқали эгаллайди, ахлоқнинг ягона соҳиби бўлади. Унинг фикрича оқил, доно одамлар ҳалол касб билан шуғулланиб, шу касбларидан топган мол дунёларидан муҳтожларга инъом – эҳсон қиладилар. Аччиқланган вақтларида тилларини ёлғон сўзлардан, қўлларини одамларга зарар етказишдан сақлайдилар.

Сукрот тадбиркорликни улуғлаб, уни энг гўзал инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодил ва жоҳил одамни таълим ва тарбия қилиб, донолар даврасига, бадахлоқ фазилатларни панд – насиҳат билан ислоҳ этиб, яхшилар қаторига қўшиш энг афзал амаллардан саналади.

Ян Амас Коменский меҳнат болалар учун зарур бўлган фаолият шакли деб билади. У ота – оналарга болаларнинг меҳнат фаолиятига ҳалақит бермасликларини, меҳнатга ўзлари ҳам иштирок этиб, уларни тўғри йўлга солишни тавсия қилади. У болалар меҳнатини таълимий аҳамиятини қайд қилиб, меҳнат вақтида ақл нима биландир банд бўлишини ва ривожланишини уқтиради. Коменскийнинг болаларни фаолият кўрсатишига интилиши, ростгўйлик, мардлик, интизомлилик, хушмуомалалик, катталарга ҳурматда бўлиш фазилатларини тарбиялаш ҳақида билдирган фикрлари янгилик бўлади. У меҳнатга муҳаббат ва меҳнат қилиш одатини тарбиялашга алоҳида эътибор беради.

Жон – Жок Руссо фикрича ахлоқий тарбиянинг мақсади болада фанларга қизиқиш ва муҳаббат уйғотишдан, унга билимларни эгаллаш усулларини ўргатишдан иборат бўлиш керак. Бунинг учун ўқувчиларнинг мустақиллигини ва фаоллигини ривожлантириш асосида таълим мазмунини ва ўқитиш усулларини тубдан ўзгартириш лозим.

Руссо меҳнатни боланинг ақлий ривожланиш учун амалий восита деб билади, болаларнинг турли касбларни эгаллашни, болани ижодкор шахс қилиб тарбиялашни, етиштиришни тавсия этади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин: Бу борада Президентимизнинг ушбу фикрлари мақсадга мувофиқдир: “Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф – одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, мардлик ва сабр – бардошлилик, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим”.

1. Шарқ мутафаккирлари юксак маънавий фазилатларни умуминсоний қадриятлар доирасида талқин ва тарғиб этдилар, жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётида маънавий омилларни юксак баҳоладилар; Улар

“фозил жамоф”, “фозил шаҳар”, “комил инсон” ни шакллантиришнинг асоси маънавий омилларга боғлиқ деган ғояни илгари сурадилар;

2. Инсоният ҳаёти давомида қадрланиб, ривожлантирилиб келаётган назарий ва амалий сайқал топган яхшилик, адолат, дўстлик, ҳурмат, иймон, тинчлик, тенглик, устоз ва шогирд, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва бошқа умуминсоний фазилатлар ҳақидаги фикрлари ўрта – махсус касб – ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

3. Маънавий кадриятларнинг ўқувчилар касбий маданиятини шакллантиришдаги устиворлиги, бизнингча қуйидагича изоҳланади:

- маънавий кадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл – заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу – истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

- маънавий кадриятлар тарихий тараққиёт босқичига эга, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда аҳамиятли, авлоддан – авлодга ўтувчи ижтимоий ҳодисадир.

- маънавий кадриятлар жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларни ифодаловчи ва сақловчи қудратли омилдир.

4. Буюк мутафаккирларнинг одоб – ахлоққа оид бой меросларидан олий ва ўрта махсус касб – ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига ўқув – тарбия жараёнида фойдаланган ҳолда уларнинг касбий маданиятини шакллантириш биз педагоглар, мураббийларнинг асосий вазифамиздир.

5. Буюк алломаларнинг таълим – тарбияга оид қарашлари таълим – тарбияга, касб – ҳунарга бўлган эътибор асосий ўринда туради. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Марказий Осиё ва жаҳон маданиятининг юқори даражада юксалишига, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Дониш,

Алишер Навоий, Маҳмуд Қошғарий, Сукрот, Ян Амас Коменский, Жон – Жак Руссо ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Демак , бу давр ўзининг хар томонлама юксаклиги, яратилган бой маданий мероси, миллий кадриятлари, жаҳонга машҳур алломаларнинг етишиб чиққанлиги билан қимматлидир.

6.Ўз халқининг, жонажон ўлкасининг, давлатининг, жаҳон халқлари тарихини билмаган, таъбир жоиз бўлса, миллий ғурури ифтихори заиф бўлган миллат ва инсоннинг келажаги бўлмайди. Президентимиз И.А.Каримов тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкин эмаслигини қайд этиб, шундай дейди: “Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриш учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак”.

7.Шундай экан, биз бу буюк мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизни ҳам баҳраманд бўлишга, уларнинг мана шундай маънавий муҳитдан камол топишига, инсонпарварлик фалсафаси, умуминсоний фазилатлари, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит ятармоғимиз ўқувчи ёшларнинг касбий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

## **1.2. Касб –хунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантириш масалалари.**

Ўзбек халқи бой, улкан тарихга эга, булар ҳақида шу кунгача сақланиб қолган, ўз кўрки, файзини, мухаббатини йўқотмаган асори атиқаларимиз қадим – қадимдан юртимизда деҳқончилик, меъморчилик, хунармандчилик маданияти юксак бўлганлигидан далолат беради. Ота – боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, маънавий, илмий қарашларини ўзида акс эттирган бу меросдан оқилона фойдаланиш даври келди.

Касб – хунар таълимининг мақсади янги авлод мутахассис кадрларни тайёрлашга қаратилган, улар юқори умумий ва касбий маданияга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий истиқболли ҳаётга тез маслаша олиш қобилиятига эга бўлишлари зарур. Ҳозирги кунда янги турдаги ўқув муассасалари ҳисобланган касб – хунар коллежларида ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой, жисмоний ва ақлий соғлом кичик мутахассислар тайёрлаш учун зарур бўлган барча шарт – шароитлар яратилмоқда. Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ёшларнинг касб – хунар таълим ва тарбиясига жуда катта эътибор бериб, улар хунар ўрганишнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камолотга эришиш билан чамбарчас боғлиқ деб билиб, унга таълим ва тарбиянинг зарурий ва мажбурий таркибий қисми сифатида ёндошганлар. Халқнинг маънавий руҳий мустаҳкамлаш, ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг ҳал қиладиган муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Хусусан, она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озук беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданият ва

вазифаларини чуқур билиш, тушуниб етилишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмагандек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқ сувидан чақоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота – она, болалар, қарндош – уруғлар, қўни – қўшни, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг. Инсон уни даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақида ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади...

Эркин фуқаро онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини шакллантириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб – қувватлаш тўғрисида” ги фармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятнинг устиворлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Маънавияти юксак шахслар юртни жаҳонга танитади. Маънавият тарбиядан бошланади. Таълим – тарбиясиз маънавиятнинг бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир. Педагогика асосчиларидан бири А.Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир !” деган сўзлари фикримизга далил бўлади.

Касб – ҳунар таълим муассасалари таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантириш базасида амалга ошириши лозим бўлган маънавий – маърифий ишлар кўлами кенгаймоқда, мазмуни сифат жаҳатидан тубдан янгиланмоқда. Бу ўз навбатида таълим – тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган инсонлардан ижодий изланишни,

ишга янгича ёндошишни, фидойиликни, маъсулиятни ҳамда ўз касбининг хақиқий устаси, жонкуяри бўлишни талаб этади.

Тарбиянинг бош мақсади – ёш авлодни маънавий – ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий – тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этиш бўлса, унинг асосий вазифаси шахснинг ақлий – ахлоқий, маънавий, касбий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир. Ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантириш таълим – тарбия мақсад ва вазифалари билан бирга уларни касб – ҳунарга ўргатишда ҳар бир касб хусусиятлари ва шу касбни эгаллашга қўйиладиган талаблар асосида амалга оширилиб борилиши керак. Бу эса дастлаб касбга оид атамалар ҳақида тўхталиб ўтишни тақозо этади яъни: “маданият”, “касбий маданият”, “касб”, “ихтисослик”, “касбий бурч”, “касб шаъни”, “касб маъсулияти”, “касб этикаси” (одоб - ахлоқи), “касб тарбияси”, “касбий тавсифнома”, “касбий тарбияланганлик” атамалари ва бошқалар. “Маданият” – бу инсоннинг ижодий яратувчанлик фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуи бўлиб, айти пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни жамиятдаги билим, маориф, саломатликни йўлга қўйиш ишини ва бошқа қадриятларнинг йиғиндиси ҳам маданиятда гавдаланади.

“Касбий маданият”- тушунчасида касбий билимлар ва фикрлар услуги билан фаол ишлаб чиқариши, касбий фаолият ўртасидаги алоқадорлик омиллари намоён бўлади. Касбий маданият мазмунида маданият ва касбнинг ўзаро таъсир хусусиятлари мавжуд бўлиб, таркибига касбий онг, касбий фаолият, касбий муносабатлар киради.

“Касб” – махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ўз ичига оладиган, жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи меҳнат фаолияти туридир.



“Ихтисослик” – бирор касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникмалар мажмуаси.

“Касбий бурч” – меҳнат бурчининг бир тури. Касбий бурч у ёки бу касб намоёндалари бажарадиган маънавий (ахлоқий) талабларни белгилайди ҳамда умуман касб эгаларининг жамиятга, меҳнат фаолияти объектив, бир – бирига муносабатини, уларнинг мўлжалларини мужассамлаштиради.

“Касб шаъни” – одамнинг мутахассис сифатида ўзига ва ўз касбига муносабатини, мутахассисга жамиятнинг муносабатини ёритадиган фазилатдир. Касб шаъни одамнинг аниқ ижтимоий ахволига, фаолиятининг тури ва хизматларининг тан олиншига боғлиқдир. Касб шаъни одамнинг ўзи ва унинг жамоаси эришган обрў – эътиборини қўллаб – қувватланишини талаб қилади.

“Касб маъсулияти” – шахс касбий фаолиятининг касб бурчига мувофиқлигидир.

“Касб этикаси (одоб - ахлоқ)” – одамларнинг касбий фаолиятидан келиб чиқадиган ўзаро муносабатларининг ахлоқий хусусиятларини таъминловчи хулқ – атвор қондасидир.

“Касбий тавсифнома” – бирор касбга талукли билимлар мажмуаси бўлиб, шу соҳа ихтисослигига қўйиладиган илмий асосланган талабларнинг йиғиндисидир. Касбий тавсифнома – касбга йўналтириш, касб танлаш, ўқитиш, тарбиялаш, етакчиларнинг малакасини ошириш ва уларни атестациядан ўтказиш ишларида тавсия этилади.

“Касбий тарбияланганлик” – шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатлардан бўлиб, кишиларнинг фаолиятидаги касбий саводхонлигининг амалдаги ижроси жамият ва давлат касбий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этилиши. Касбий тарбияланганлик шахс хатти – ҳаракатидаги самарали, ижтимоий –фойдали, ижодий фаолияти натижалари ҳаёт талаби эканлигини англаш билан белгиланади.

Ўқувчиларга касбий маданиятга оид атамалар мазмуни, хусусиятлари барчага бевосита касб ўргатиш жараёнида шакллантирилади. Бу жараён куйидагиларни қамраб олади:

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз – ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушга мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний кадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ва дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тоборо ўстириб – бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;

- ҳар бир ўқувчининг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Ўқувчилар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб – қувватлаш учун шарт – шароит яратиш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириши (бир – бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камсатишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби тарбия воситаларини (ноҳақлик, ёлғончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўллаш;

- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшайтган одамлар билан ўзаро муносабат – мулоқатни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

- жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий маъсулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик, касбий таълим – тарбияни шакллантириш;

- мустақил давлатимиз –Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора очик ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда олий қадрият ҳисобланган меҳнатга, касбига ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш;

- ёшларимизни умуминсоний ва касбий маданияти (назария билан амалиёт бирлиги) ни шакллантириш зарурдир. Бу вазифаларни тарбиянинг асосий тизим элементлари асосида ташкил этиш керак. Булар:

1. Тарбия – тарбияланувчи шахсини тан олиш, ҳар бир ўсмир ва ёш йигит – қизнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборга олиш;

2. Ёшларда истак ва имконият мувофиқлиги туйғусини шакллантириш;

3. Миллийликнинг ўзига хос анъаналари ва воситаларига таяниш;

4. Шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқитувчилар ўртасидаги бир – бирига ҳурмат муносабатлари, ўқувчилар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш;

5. Ўз касбига бўлган қизиқиш, қатъийлик, бурч ҳисси, ахлоқий маданият, мантиқий тафаккур, замонавийлик каби касбий фазилатларни шакллантириш;

6. Ўз билимларини ижодий кўрсата олиш, олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлиш, устозлари талабаларига тўла жавоб бера олиш каби ижодий фазилатларни шакллантириш;

7. Ишни олдиндан режалай олиш, жамоа билан ишлай олиш, устозлари ишларини таҳлил қила олиш, ўз касбига хос ҳурматларни тўғри тушуниш ва

таҳлил қилиш, кенг дунёқарашга эга бўлиш каби касбий малакаларни шакллантириш;

8. Ўз касбига ўз ишига садоқат, маъсулиятлилик, ишчанлик, хушмуомалалик, киришимлилик, ҳушёрлик, инсонийлик, одоб – ахлоқ, маънавий бойлик, ўз устида ишлаш, меҳр – оқибат ва бошқа шахсий фазилатларга эга бўлиш;

9. Сухбатнинг сермазмунлиги билан кишиларни ўзига яқинлаштира олиш, устозини турли ҳолатларини сеза олиш, муассаларда ахлоқий муносабатларни тўғри ташкил қила олиш, турли муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш каби коммуникатив хислатларини шакллантириш;

10. Шахснинг асосий касбий йўналиши, қобилият ва лаёқат, психологик хусусиятлари, билим фаолияти ва шахснинг умумий йўналиши каби ихтисослик моделини тўғри тушуниш зарурдир.

Бу тарбиянинг асосий тизим элементлари ўрта – махсус, касб – ҳунар таълим муассасаларида ўқув – тарбия ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларини тўғри ташкил этиш, ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантириш муаммоларини ҳал қилишда катта имкониятлар яратади. Бу ишларни амалга оширишда маънавий – маърифий тарбия ишларини ташкил этиш тизимига асосланиб, ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини ишлаб чиқилди. 1.1.Чизмага қаранг. Касб-ҳунар таълим муассасаларида маънавий – маърифий тарбия ишларини ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантириш тизими.

**Таълим – тарбия билан шуғилланувчи шахслар**

**Гуруҳ раҳбари**

**Ота-оналар қўмитаси**

**Фан ўқитувчиси**

**Оила**

**Психолог**

**Маҳалла ва жамоат  
ташкilotлари**

**Ўқувчиларни касбий маданиятини  
шакллантиришга оид тадбирлар**

<b>Кулблар</b>	<b>Дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар</b>	<b>Дарс жараёнидаги тарбиявий тадбирлар</b>	<b>Тўғараклар</b>
сиёсий ахборот фидоийлар иқтисодчилар хуқуқшунослар китобсеварлар матбуотчилар ижодкорлар соғлом турмуш тарзи ёш техниклар теран фикр соҳиблари ва бошқалар	конституция куни хотира ва кадрлаш мустақиллик куни ўнги қўнғироқ наврўз умумхалқ байрами халқаро хотин қизлар куни Навоийхонлик ўқитувчи ва мураббийлар куни тил байрами миллий армия ва ҳақозо	Мунозара мушоира музокара педагогик ўйин масалалар ечиш баҳс суҳбат ва бошқалар	спорт секциялари, фан тўғараклари, компьютер, бадий хаваскорлик, усто-шогирд, тикиш-бичиш, пазандачилик, ёш техник ва ҳақозо

**1.1. Чизма**

Ўқувчиларни касбий маданиятини ўқув-тарбия ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар орқали шакллантиришни режалаштиришда ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасаларининг умумий режаси (гуруҳ раҳбарининг

иш режалари фан ўқитувчиларининг иш режалари ва ҳақозо), ўқитувчилар, гуруҳ раҳбарлари, ота-оналар кўмитаси режаларини эътиборга олиш ва оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган психологларни ҳам жалб қилиш, дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштиришда ўқувчиларни қизиқишлари, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олинса бу тадбирлар ўз самарадорлигини беради ҳамда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, касбий маданиятини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Бу ишларни амалга оширишга асосан ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида маънавий тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари маъсулдир.

Касб – ҳунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагича кўрсатилган. 1.2. Чизмага қаранг.

Бу вазифаларни, муаммоларни бажарилишда бир қатор илмий – методик чора ва тадбирлар талаб этадики, уларсиз дарс ва дарсдан ташқари ишларни яхшилаш мумкин эмас. Бунинг учун таълим – тарбиянинг жиддий муаммоларини аниқлаш, узликсиз таълим ва амалий тарбия мазмуни асосларини яратиш, мактаблар, ўрта махсус касб – ҳунар таълими муассасалари ҳамда олий мактаблар ўқитувчилари, ўқувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

**Касб – ҳунар таълим муассасаларида ўқувчиларининг касбий маданиятини шакллантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари.**

**Касб – ҳунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари**

**Асосий мақсадлар**

Ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга хурмат; Ватанга мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш; Ислоҳатларни тушунадиган, уларни ҳаётга тадбиқ этадиган, миллий ғоя ва истиқлол мафқураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантириш

**Асосий  
вазифалари**

Директор билан;  
Гуруҳ раҳбарлири билан; Психолог билан; Фан ўқитувчилари билан; Маҳалла фаоллари, жамоат ташкилолари билан; Оила билан

Умумий раҳбарлик ва ижтимоий ишлар; Дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар; Ўқувчиларнинг қизиқиши, касб танлаш, мойиллигини аниқлаш (тўғарақларга) тавсия бериш, билим ва тарбия узвийлигини таъминлаш. Спорт ва бошқа фанлардан мусобақалар, тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш; ота-оналар университети ва бошқа ҳамкорлик ишлари; ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳамкорлик ишлари; мактаб ва оиланинг ҳамкорликдаги тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш

## **1.2. Чизма**

Бунинг учун қуйидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим;  
- ўқув – тарбиявий жараёни ташкил этишнинг аниқ йўналишлари бўйича тадбирлар мажмуаси ва мақсадли дастурлар тузиш;

- ўқув – тарбиявий ишни замон талаблари асосида ташкил этадиган педагогик ходимларни тайёрлаш ва малакаларни ошириш;

- ўқув – тарбиявий вазифа ва муаммоларни ҳал қилиш учун республиканинг барча илмий соҳадаги кучлари. Ўзбекистон Фанлар Академияси, Олий ўқув юртлари, фан, тармоқ, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда илмий – педагогик бўлимлар фаолиятини бирлаштириш керак.

Бунинг учун биз ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассаса ўқувчиларини касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантириш билан бирга миллий истиқлол, комил инсон ғоясини, истиқлол мафкурасининг миллий хусусиятларини, маънавий соҳадаги вазифаларини онгига сингдирмоғимиз лозим.

Дипломга эга бўлиш – бу ҳали том маънодаги комил, зиёли дегани эмас. Комил – зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок қалби, ички маданияти билан мутлоқа бўлакча инсон бўлади.

Юртбошимиз миллий истиқлол ғоясини вазифаси ҳақида тўхталиб шундай деган эди: “Мен миллий истиқлол ғояси бугун тез суръатлар билан ўзгараётган дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданиятлар ва кадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб – авайлаб, демократик кадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга ҳизмат қилмоғи зарур, деб биламан”.

Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам маънавий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва ижтимоий мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя – нафақат одамларни, шахсларни, ўқувчиларни, балки бутун – бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасига тенгсиз ютуқларда илҳомлантирган.



Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг келажаги йўқ.

Инсоннинг инсонлиги – биринчи навбатда унинг маънавий – ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий – ахлоқий тарбия тушунчаси кенг камровлидир. Маънавий – ахлоқий баркамол инсон ота – онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, кўни – кўшнилари, маҳалла – кўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуради, теварак – атрофини ўраб олган инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилади; одоб – ахлоқни, феъл – атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблайди; ота-боболардан мерос бўлиб қолган маданий меросни кадрлайди; миллий қадриятларни эъзозлайди ва уларга содиқ бўлиб қолади; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонийлик туйғулари барқарор бўлади; ўзаро муомала муносабатида ўрناк бўлишга майил бўлади; бировни оғирини енгил қилишни одат қилади; умумхалқ мақуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган конституцияни ҳурмат қилади ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатади.

Президентимиз таъкидлаганидек, олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири – эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласидир. Бошқача айтганда, дейди И.А.Каримов, “Биз ўз ҳақ ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айни замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан комил, баркамол инсонни тарбиялашимиз керак” (16) .

## Комил инсон ғояси

### Комил инсон ғояси

Миллий қадриятларга  
содиқлик

Умумий қадриятларни  
эъзозлаш

Бегона, ёт ва зарарли  
ғоялар таъсирига  
берилмаслик

Мафкуравий иммунитетга эга  
бўлиш

Мустақилликни мустаҳкамлашга ўз  
ҳиссасини қўшиш

Эзгу ғояларга ҳизмат  
қилиш

Жисмоний баркамоллик

Маънавий баркамоллик

Нафосат ва гўзалликка  
интилиш

### 1.3. Чизма.

1.3. Чизмада кўрсатилганидек комил инсон – шахсини шакллантириш жараёнида таълим-тарбия борасидаги барча имкониятлар ва қадриятлардан тўла фойдаланмоғи керак. Ҳар қандай тарбия умуминсоний қадриятлар билан боғлангандагина яхши самара беради. Ҳар ҳолда жаҳондаги турли давлатларда, мамлакатларда амалга оширилган тарбия усуллари. Ишлари, мазмун моҳияти, ундан кўзланган мақсадлар бир – бири билан узвий боғлиқдир.

## **II- Боб. Касб – ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий қадриятлар асосида касбий маданиятни шакллантиришнинг амалий жиҳатлари.**

### **2.1. Ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантириш тизимида маънавий – психологик тадбирларнинг ўрни.**

Ҳозирги даврда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни маърифатли ва юксак маданиятли қилиб тарбиялаш ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасаларининг ҳам зиммасидаги маъсулиятли, бироқ шарафли вазифасидир.

Ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг ўқув – тарбия жараёнида касбий маданиятини шакллантириш, уларнинг дарсга ва дарсдан ташқари фаолиятини ташкил этиш ҳамда оила муҳити ва жамоатчилик ўртасида олиб бориладиган маданий – маърифий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашга ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан биз ўқув – тарбия жараёнида халқимизнинг бой маданий мероси воситасида ўрта махсус касб – ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини шакллантиришнинг самарали моделини яратишда қуйидагиларни асосий негиз сифатида таяндик: таълим – тарбия жараёнини ташкил этишда янгича методологик ёндашув; педагогика, тарих, эстетика, руҳшунослик, маънавият асослари, маданиятшунослик, этнография, услубшунослик фанларига ҳозирги замон талаби жумладан, жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий, маданий янгиланган концепцияси; узликсиз таълим тизимини инсонпарварлаштириш, таълим – тарбия мазмунини, шакл ва усларини янгича талаблар асосида такомиллаштириш ва амалий аҳамиятини кучайтиришни, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш.

Дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар жараёнида кўпроқ ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантириш асосида уюштириладиган тарбиявий тадбирларнинг мазмуни, моҳияти, тузилиши қуйидаги характерли хусусиятларга боғлиқдир.

Биринчи хусусияти – унинг ўқувчи кундалик ҳаётининг таркибий қисми сифатида намоён бўлишидир. Ўқувчи ўқув ишларининг давоми сифатида

синфдан ташқари тарбиявий ишларда бевосита иштирок этади, турли мазмундаги маърузалар, суҳбатлар, савол – жавобларда қатнашади, тинглайди, ўз маънавий савиясини бойитиб боради.

Иккинчи хусусияти – у билан таълим жараёнида билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумотлар билан бойитиш ўқувчиларнинг маънавий меросга қизиқишини ўстириш мақсадида ташкил этилади.

Учинчи хусусияти – у таълим жараёнида олинган билимни такрорламайди, аксинча ўқувчининг қизиқиши, майли, интилиши, тарбиявий эҳтиёжи асосида янги мазмун, шакли ва усуллар билан уюштирилади. Ҳар қандай тарбиявий тадбир қизиқарли шаклни, ўзига хос белгиларни, ўй – кечинмаларни, тарбиявий характерли, ижодий меҳнатни. Уддабуронликни талаб этади.

Тўртинчи хусусияти – маънавий кадрларни ўрганишга бағишланган тарбиявий тадбирларнинг мазмунига ўрганиладиган давр ижтимоий – иқтисодий, маданий ҳаёт моҳияти сингдирилади. Уларнинг моҳиятини ечиш ва аҳамиятини ёритиши учун эса ўша даврда характерли бўлган таъсирчан восита ва усулларга мурожат қилинади. Ҳар бир синфдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий – тадбирлар таълимий, тарбиявий, қизиқтирувчи, ривожлантирувчи характер билан бир қаторда, халқ томонидан асрлар давомида яратилган маънавий – маърифий манбаларни оммалаштиришда тарғибот, ташвиқот ва ахборот характериға ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам бу характер хусусиятларини назоратдан четда қолдиргани учун уларни мазмунан мантиқ талаб қилган таъсирчан воситалар билан бойитиш зарур.

Бешинчи хусусияти – ҳар қандай синфдан ташқари тарбиявий тадбир ўқувчиларни бевосита ёки билвосита қатнашчига айлантиради, ўқувчи тарбиявий тадбирни тайёрлашда, ўтказишда бевосита ёки билвосита иштирок этади, томоша қилади, кузатади, фикрлайди, ўз фикр мулоҳазаларини баён этади.

Даср ва дасрдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг ўқувчилар касбий маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти асосан жонли мулоқат ва сўзга боғлиқдир.

Жонли мулоқот – тарбиявий тадбир қатнашчиларига етказиш қийин бўлган баъзи жараёнларнинг моҳиятини очиб бериш қудратига эга. Тарбиявий тадбирнинг бошқарувчиси жонли мулоқатнинг ташкил этувчиси ҳисобланади, унинг жозибадорлиги, билиш савияси, дунёқараш доираси, маънавий маданият даражаси шу тадбирнинг муваффақиятини таъминловчи омиллари ҳисобланади. Жонли мулоқат тарбиявий тадбир бошқарувчиси, маърузачи тадбир қаҳрамони, қатнашчилар ўртасида вужудга келади.

Жонли мулоқат сўз воситасида амалга ошади.

Сўз – дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбир объекти ва субъекти ўртасидаги ямоқчи ҳисобланади. Бу сўз – мазмунли нутқ, ифодали шеър ўқиш, шеърий ва прозаик монологлар, диологлар, жамоа томонидан ўқиладиган маърузалар, ифодали тасвир тарзида намоён бўлади. Бадиий – эмоционал, образли сўздан фойдаланишда субъектнинг маънавий қадриятларга муносабати, ички руҳий кечинмалари, ҳис – ҳаяжони, фаоллиги, ишга ижодий муносабати талаб этилади. Акс ҳолда, тарбиявий имконияти кенг бўлган тадбир ҳам, маънавий – маърифий манба ҳам ўқувчи онгига, хулқи ва фаолиятига кучли таъсир этмайди. Маънавий манбалар юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай тадбирда ўқувчига етказиладиган илмий, тарихий, маънавий, маърифий, адабий – бадиий маълимотнинг туб моҳияти, мантиқан чуқур мазмуни тушуниб, ҳис – ҳаяжон билан тингловчи ёки тадбир иштирокчиларига етказилган тақдирда, у ўқувчининг маънавий дунёсига кучли таъсир қилади.

Ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасаларида ўтказиладиган бир тарбиявий тадбирлар воситасида ўқувчи маънавий онги, миллий ғурури, касбий маданиятини шакллантириш мазмунини методологик, таълимий – тарбиявий тадбир воситасида ўқувчи касбий маданиятини шакллантириш

мазмунини методологик, таълимий – тарбиявий, рухий, услубий, ижтимоий – маиший характердаги талаблар асосига қурилишни тақозо этади.

Ҳар қандай тарбиявий тадбир қизиқарли шаклни, ўзига хос белгиларни, ўй – кечинмаларни, тарбиявий характерни талиб қилади. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари билан ташкил этиладиган тарбиявий тадбирлар муҳим саналарга боғланади ёки маълум мақсад билан аниқ белгиланган кунда ўтказилади.

- ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасаларида ўтказиладиган тарбиявий ишларнинг бир хил шаклидан доимий фойдаланиш яхши натижа бермайди.

Чунки уни қайта – қайта намоиш этиш ўқувчиларни зериктириши ва лоқайд муносабатда бўлишига олиб келади. Масалан, Алишер Навоий таваллуди муносабати билан адабий – баий кеча, анжуман ёки ғазалхонлик кечалари фақат аллома шоир таввалуд топган оий мобайнида ўтказилиши мумкин. Ҳар қандай тарбиявий тадбир ихтиёрийлик, қизиқиш, этиёж асосида ўтказилсагина кутилган натижани беради.

Касбий маданиятни шакллантиришга ажратилган синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар асосан таълим муассасаси ўқувчиларининг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳаёти, тажрибалари асосида уюштирилади ва ўтказилади. Ўрта махсус касб – ҳунар муассасалари тарбиявий тадбирларни ташкил этиб ўтказиши ўқувчилар дунёқарашининг тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига, назарий билимларини амалиёт билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

Тарбиявий тадбирларни яна бир ижобий томони шундаки, у ўқувчиларни изланувчан, фақат умумтаълим фанлардан олган билимлар билан чегараланиб қолмасдан балки, бошқа илмий, методик, психологик, ижтимоий, иқтисодий, техникавий, оммабоп, бадий ва шу каби адабиётларни ўқишга, бундан ташқари театр, кино, музей кабиларни кўришга

ҳамда саёҳатлар, учрашувлар уюштиришга, баҳс – мунозара, кўрик – мусобақа кабиларни ташкил этишга даъват этади.

Тадбирларни оммавий – сиёсий, маънавий – маърифий, тарғивий – ташвиқий, оммабоп – маданий каби турлари мавжуд. Бу тадбирлар турар жойларда, корхона ва ўқув муассасаларида ҳамда бошқа шу каби жойларда мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Биз тарбиявий тадбирларни қуйидаги турларга ажратамиз: Тавқимдаги муҳим саналар, мавзули, диний – тарбиявий, сиёсий – ижтимоий, анъанавий, ноанъанавий, касбий байрамлар.

Ушбу тадбирларнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Тавқимдаги муҳим саналарга – йил давомида тавқим бўйича ўтказиладиган тадбирлар киради. Масалан: 14- январ “Ватан ҳимоячилари куни”, 8-март “Халқаро хотин – қизлар куни”, 21- март “Наврўз Умумхалқ байрами”, 9- май “Хотира ва қадирлаш куни”, 1-июн “Дунё болаларини муҳофаза қилиш куни”, 1-октябр “Ўқитувчилар куни” ва шу кабилар.

2.Мавзули яъни бирор мавзу асосида ўтказиладиган тадбирлар. Масалан: “Касбим – фаҳрим менинг”, “Хунар – эл саодатидир”, “Бойлик тугар бироқ, хунар тугамас”, “Хунар – хунардан унар”, “Меҳнатнинг таги роҳат”, “Ким оқилу – ким зукко”, “Ёш техниклар” кабилар.

3.Халқнинг диний – тарбиявий миллий байрамлари. Масалан: “Рамазон ва қурбон ҳайитлари”.

4. Ватанимизнинг ижтимоий – сиёсий байрамлари. Масалан: “Мустақиллик ва Конституция кунлари”, “Давлат тили қабул қилинган кун”.

5. Анъанавий ўқув муассасаларига таалуқли. Масалан: “Биринчи ва сўнги кўнғироқ”, “Битирувчилар кечаси”, “Синфдошлар учрашуви”.

6.Ноанъанавий тавқим режасида махсус киритилмаган. Масалан: “Йилларнинг номланиши (1997 йил – Инсон манфаатлари йили), (1998 йил – Оила йили), (1999 йил – Аёллар йили), (2000 йил – Соғлом авлод йили), (2001 йил – Оналар ва болалар йили) ва ҳоказо”, “Муассасаларни ташкил топган куни (кимнинг номида бўлса унинг туғилган куни)”, “Шаҳарлар”,

“Мутафаккирлар, олимлар ва алломаларнинг юбилейларига бағишланган кунларини нишонлаш”.

7. Касбий байрамлар. Масалан: “Соғлиқни сақлаш ходимлари куни”, “Электр таъминоти ходимлари куни”, “Ички ишлар ходимлари куни”, “Матбуотчилар куни” ва бошқалар. Шу каби тарбиявий тадбирларнинг 50 дан ортиқ турлари эътироф этилган, у ўқув муассасаларининг тури, мақсади ва вазифаларига кўра қуйидагича ўтказилади:

- Академик лицейларда: анжуманлар, семинар машғулотлари, ўткир зехинчилар, баҳс – мунозара, учрашув кечалари, давра суҳбати, кўрик – мусобақа кабилар;

- Касб – ҳунар коллежларида: моҳир қўллар, ёш техниклар, ҳунармандлар баҳси, қизлар давраси, учрашув, кечалар, мунозара, қувноқлар ва зукколар, ўйинли мусобақа кабилар.

Шу боис олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги муассасаларда маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорлари, бўлим бошлиқлари, методистлари каби лавозимлар ташкил этилдики, улар ёшлар ўртасида маънавият ва маърифат ишларини ҳозирги талабларга жавоб берадиган тарзда олиб боришлари назарда тутилган. Маънавий баркамол, ёш авлод ўз халқи, Ватани тарихини, улуғ сиймоларини, миллий ва тарихий қадриятларини, урф – одатларини, расм – русмларини, уларнинг моҳиятини чуқур билади ҳолда жаҳон адабиёти, санъати, маданияти дурдоналари билан таниш бўлмоғи, кишилик жамияти тараққиёти тарихи давомида қўлга киритилган ютуқлар билан ошно бўлмоғи даркор. Буларнинг барчаси ўқувчи – ёшларга маънавий ва диний тарбия беришни уюштириши ва режалаштиришда диққат эътиборда тутмоқ талаб этилади.

Ўқувчи – ёшлар билан маънавий маърифий тарбиявий тадбирлар олиб боришни ташкил этишда буларнинг барчасини ҳисобга олиш керак. Демак, ёшлар орасида маънавий – маърифий ишларни ташкил этиш бир қарашда жўндек туюлсада, лекин осон эмас. Бунда турли омил ва хусусиятларни ҳисобга олиш ҳамда катта маъсулият талаб қилинади.



Билим масканларида олиб бориладиган маънавий – маърифий ишларнинг самараси, энг аввало тўғри тузилган режа ва тадбирларга боғлиқ. Шу боис биз билим масканлари ўқувчи ва талабалар ўртасида олиб бориладиган маънавий – маърифий тарбиявий ишларнинг тахминий режаси ва тадбирлари, режадаги вазифаларни бажаришда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр – мулоҳазаларимизни айтиб ўтишни лозим деб билдик. Ҳозирги ёшларимизнинг ҳар томонлама кучли, билимли, салоҳиятли, тафаккур доираси кенг, ўз ишининг моҳири, ижодкори, ўз Ватанининг жонкуяри бўлиши, мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Ёшларимизнинг илм – фаннинг энг сўнги ютуқларидан баҳраманд этган ҳолда уларга тарихимизни, миллий кадриятларимизни маънавий меросимизни тўлиқ ўргата боришимиз лозим. Халқимизнинг асрдан – асрга, авлоддан – авлодга ўтиб келаётган кадриятлари, анъаналари, урф – одатлари зийнатланган тарзда маънавиятимиз ва миллий тарбиямизда ўз ифодасини топиши лозим. Зеро, бугунги кунда ўқув – тарбия жараёнида ўқувчиларнинг касбий маданияти ижтимоий заруриятга, инсоннинг маънавий эҳтиёжига айланиб борар экан, ўқувчиларда касбий маданиятнинг, касбий тарбиянинг ўрни ўта муҳимдир.

Битирув малакавий ишимиз ана шу муҳим муаммога бағишланган тадқиқотлардан биридир. Демак, ўқув – тарбия жараёнида ўқувчиларнинг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантириш масаласига алоҳида тарзда қарамоқ керак.

Кўп ҳолларда касбий маданият дейилганда ўқувчининг касбий фаолияти доирасидаги одоб – ахлоқи, юриш – туриши, жамоа орасида ўзини тута билиши, гуруҳдошлари билан яхши муомала – мулоқот қилиши, озода кийиниб юриши, камтар, ишни ташкил эта олиши ва бошқалар тушунилади. Уларнинг барчаси киши маданиятининг ўзига хос кўрсаткичларидир.

Аммо ўқувчининг касбий маданияти фақат унинг касбий фаолияти доирасидаги ахлоқий меъёрлар ва тартиб қоидаларга амал қилишдангина иборат эмас. Бундан келиб чиқадики, касбий маданиятни фақат касбий

фаолият доирасидагина ўрганиш, таърифлаш, талқин қилиш, тушунтириш тўғри бўлмайди. Гарчанд, касбий маданият тушунчаси ўрта мухсус касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий фаолият билан боғлиқ масалаларини, ўқувчиларнинг касб соҳасидаги муаммоларини теранрок ойдинлаштириб борсагина уни ўқувчиларнинг умумий маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда қараш, яъни миллий қадриятлар асосида орттирилган билим, кўникма ва малакалар орқали амалга оширишни кўзда тутати.

Ҳар қалай инсоний фазилат бор жойда эзгуликка муҳаббат, эзгуликка муҳаббат бор жойда эса маданият мавжуддир. Бироқ ўқувчиларда касбий маданиятнинг шаклланиши учун хоҳиш – истак ёки маънавий эҳтиёжларни ўзига етарли эмас, балки ижтимоий муҳит, ижтимоий шарт – шароит, касбий муносабатларни белгилаб берадиган воситалар ҳам муҳимдир. Унинг асосида жамиятда амал қилаётган инсон хулқ – атвори меъёрларини белгиловчи ахлоқ ва миллий қадриятлар ётади.

Зеро, ўқувчиларнинг миллий қадриятлар асосида олинган маънавий билимлари билан тўлдирилган қиёфаси унинг касбий маданиятининг бош мезони эканини исботлайди. Чунки, маънавий қиёфасиз кишида касбий маданият бўлмайди. Инсоннинг маънавий олами қанчалик бой бўлса, унинг касбий маданияти ҳам шунчалик мазмундор, гўзал бўлади. Маънавий асос бўлмаган жойда касбий маданият ҳам бўлмайди.

Шу боис, биз ишимизда юқоридаги фикрларни исботлаш, мақсадида куйида қишлоқ хўжалик касб – ҳунар коллежларида тарбиявий тадбирлардан ҳисобланган “Ёш техниклар” ўйинли мусобақа дарс – тадбирининг ўтказилиш методикаси, тарбиявий аҳамияти, ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари ҳақида фикр юритдик.

Бу ўйинли мусобақа дарс – тадбирини ўтказишда вақтнинг меъёри тақсимотига қатъий риоя қилиниши лозим. Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уларни техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилишган ҳолда режа асосида ўтказиш зарур. Ўйинли мусобақа дарс – тадбирини ташкил этиш, ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланди. Булар

ўқувчиларнинг ихтиёри ва қизиқишлари асосида ташкил этилса, улар бундай тадбирларда фаол иштирок этадилар.

“Ёш техниклар” ўйинли мусобақа дарс – тадбирининг модели.

I. Тайёрлов йўналиши ва таълим мақсадлари.

Тайёрлов йўналиши. Қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш.

Ўрта махсус касб – хунар таълими тайёрлов йўналиши коди: 3541050.

Касби: Қишлоқ хўжалик техникасини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича уста.

Ихтисосликлар:

1. Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш бўйича чилангар.

Коди: 3541051

2. Кенг профилли тракторчи. Коди: 3541014.

3. Электрогазпайвандчи. Коди: 3520123.

4. “В” ва “С” тоифали ҳайдовчи. Коди: 3520934.

1.2. Давлат таълим стандартларига мос умумий мақсад – қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирловчи, тракторчи, электр газ пайвандчи ихтисосликлари бўйича кичик мутахассис.

1.3. Касб таълим мақсади – қишлоқ кичик мутахассисларнинг касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга умуминсоний ва шахсий фазилатларини, маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

II. Касбий омилкорлик. Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ихтисослиги бўйича технологик жараён босқичларига мос фаолият турларини бажаради.

2.1. Қуйидаги фаолият турлари билан шуғилланади:

- қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик машиналарини турларини, тузилишини, ишлаш принципларини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалик машиналарининг иқтисодий самарасини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик машиналаридан амалий машғулотлар ўтишини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалик машиналаридан (ПлН-5-35) плугидан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш;
- плугнинг вазифини ва ишчи қисмларини тузатишни ўрганиш, юмшатиш чуқурларини аниқлаш;
- плугларни ўрганишда кўрсатмалар (инструкцион) технологик харита тузиш;
- қишлоқ хўжалик машиналарини ўрганишда ўқувчилар билан мусобақали ўйинлар ташкил этиш.

2.2. Бажарувчилик ва технологик тартиб – интизом фаолияти доирасидаги қобилияти;

- ўрганилаётган техникани (плугни) кўргазмалар технологик харитасини ўқий олиш;
- ишлаш жараёнида плугнинг алоҳида қисмларга – технологик қисмларга тақсимлай олиш;
- ишлаш жараёнида кетма – кетликка амал қилиши;

2.3. Мослашган (адаптацион) қобилияти ва маҳорати.

- иш соҳасини танлашда ва техника борасидаги яхши тушунчага эга бўлиш;
- иш танлаш кўникмасига эга бўлиш;

2.4. Касбий – ахлоқий соҳада қобилият ва маҳорат.

- расмий шахслар билан иш вақтида муносабатда бўлиш;
- иш вақтида ва асбоб – ускуналарга нисбатан шахсий муомала маданиятига эга бўлиш;
- иш вақтида ўз маҳоратини ошириш;

2.5. Ташкилий ишлар ва режалаштириш фаолиятидаги қобилияти;

- ўз ишини мустақил равишда режалаштира олиш ва ташкил қилиш;
- турли маълумотлардан фойдалана олиш;
- ўз – ўзини назорат қила олиш;

- ўз режасини касбдошлари ва ҳамкорликлари билан биргаликда келишган ҳолда бажариш;
- қийин муаммоларни ечимини топа олиш;
- мустақил равишда ахборотни тушуниб, таҳлил қила олиш;
- иш фаолиятида асосий мазмунини кўрсата олиш.

2.6. Умумкасбий ва махсус тайёргарлик бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш;

## **2.2. Ўқувчилар касбий маданиятини шакллантириш тизимига таъсир этувчи амалий психологик омиллари**

Ўзбекистон Республикаси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таъкидлашича “... Миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади”.

Албатта, бунда ўқувчи-ёшларда касбий маданиятни шакллантириш инсон камолотининг асосини ташкил этади. Чунки, касбий маданият кишининг хатти-ҳаракатида, одобида, ички кечинмаларида ва айниқса, инсонларнинг бир-бирига бўлган ғамхўрликларида, ҳурмат қилишларида, билимларида, ҳис-туйғуларида, хулқ-атворида, наъмунали фаолиятида намоён бўлади. Касбий маданият тузилишининг асосини инсон фаолияти ташкил этади. Чунки, фаолият – бу инсоннинг ўраб турган дунёга бўлган муносабатини ўзига хос хусусиятлари, бир мақсадга қаратилган ҳаёт мазмунидаги ўзгаришлар, тузатиш кабиларни ташкил этади. Фаолиятнинг асосий иш тури меҳнат бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Меҳнат инсоннинг мулоқот ўқиш фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Фаолият мазмунидаги турли ҳаракат ва сабаблар, бирон бир мақсадга қаратилган, йўналтирилган ва бунинг натижасида эришилган ютуқлар ўқувчининг касбий маданиятини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Фаолиятнинг мазмуни шарт-шароитлари, воситалари ўзгариб бориши натижасида ҳар бир ўқувчининг касбий онги, касбий маданияти такомиллашиб боради. Демак, фаолиятни тўғри ташкил этиш натижасида ўқувчиларнинг фаоллигига иш режаларининг аниқ бўлишига, кўзланган мақсадига, ҳатти-ҳаракатларининг намунали бўлишига эришиш мумкин. Албатта бунда унинг юриш-туриши, турмуш тарзи, мустақиллиги намоён бўлади. Касбий маданиятни ташкил топишида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос фаолиятини шакллантириш ва унга раҳбарлик ва назорат қилиш

Ўқитувчининг асосий вазифасидир. Чунки, бунинг натижасида ўқувчида мустақиллик, масъулият, интизом каби сифатлар ривожланади. Ўқувчиларда юриш-туришни бошқара олиш, фойдали ташаббус, қатъиятли бўлиш, кўзланган мақсадга эришиш каби ахлоқий-иродавий ҳислатлар шаклланади.

Ўқувчи - ёшларнинг фаолиятини ривожлантириш ўқитувчидан ижодий ёндашишни талаб этади. Чунки, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг фаолиятида уларни кузатади, ижобий тажрибаларини оммалаштиради. Ўқувчиларда мустақиллик, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашиш каби хусусиятларни намоён бўлишига, уларнинг қобилиятларини оширишга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва мақсадларини амалга оширади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг фаолиятини ташкил этишда ҳамиша қувонч, мамнуният туйғусини ифода этиши билан бирга, уларда ахлоқий эътиқодни тарбиялайди.

Демак, фаолият давомида кишининг шахси, хулқ-атвори шаклланади, ҳаракатлар ривожланади. Шундай экан, ўқитувчиларнинг вазифаси фаолият жараёнида ўқувчиларга бажариши лозим бўлган ишни кўрсатиш ва тушунтиришдан, вазифа ва талаблар қўйишдан, текшириш ва тузатишлар, бажарилган ёки бажарилмаган ишлар учун рағбатлантириш ва жазолашдан иборат бўлади. Ўқитувчи ушбу таъсирлар ёрдамида ўқувчиларга касбий маданиятга оид билимларни эгаллашга ва фаолият кўрсатишда истак туғдириш билан бирга унинг йўналишини кўрсатадилар. Демак, ўқитувчилар ўқувчиларнинг фаолиятини тўғри ташкил этишдан махсус иш олиб боришлари, ўзига хос шакл ва методларидан фойдаланишни талаб қилади.

Ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришда таълим жараёни- меҳнат фаолияти, ўқувчилар жамоаси муҳим воситалар бўлиши лозим. Чунки, жамоа фаолиятида ўқувчиларда одамларга нисбатан меҳрибонлик, ғамхўрлик, меҳр туйғулари шаклланади. Касбий маданиятни шакллантириш бу ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзига доимо дунёқараш ва камчиликларни ўзидан қидириш, ўз-ўзига талабчан бўлиш; ҳамма жойда

аниқ ишларни бажариш, ўз-ўзини тарбиялаш ва бунда кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш, ахлоқий тарбияланганлигини, билимларни яхши эгаллаганлиги, ахлоқий туйғуларнинг ривожланганлиги, мақсадга интилиш, довюрлик ва ҳал қилувчанлик, талабчанлик, ташаббускорлик ва мустақиллик, ўз-ўзини идора қилиш ва тута билиш ташкил этади.

Ўқувчиларда миллий кадрларга доир билимлар уларнинг фаолиятида маънавий кўникма ва малакаларни шакллантиради. Демак, касбий маданиятни шакллантириш ўқувчиларнинг мактабда турли ижтимоий фанлар асосларини эгаллаши борасида пайдо бўлади. Натижада ўқувчида ахлоқий билимлар ривожланади. Ҳаётда, тажрибада билимлилик билан билмсизлик баробар эмаслигини кўп учратиш мумкин. Билим – ўқувчи ёшларнинг ахлоқий, маънавий, маданий муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчи ёшларнинг касбий маданиятини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштириш алоҳида роль ўйнайди. Бу ўқитувчининг билим савиясига педагогик маҳоратига, касбий қобилиятига боғлиқ. Ўқувчиларнинг дарсларда олган билимлари уларнинг турмушида, хулқ-атворида жамиятдаги кишиларга муносабатида намоён бўлади.

Дунёвий билимлар ҳар бир шахсни, маданият, инсоният, маърифат дунёсига олиб киради. Яхши хулқ ва одобли бўлишга, эътиқодларни оширишга хизмат қилади. Касбий маданият тузулишида ахлоқий ҳис-туйғулар асосий ўринни эгаллайди. Ахлоқий, эстетик ҳис-туйғулар шахснинг маънавий фаолиятида, воқеа ва ҳодисаларда, ахлоқий жараёнида намоён бўлади. Ахлоқий ҳис-туйғулар ўз мазмунига кўра ахлоқий ишонч, ахлоқий онг билан чамбарчас боғлиқдир. Ахлоқий ҳис-туйғулар жараёнида интилиш, яхши кўриш, бурч, масъулият, ор номус каби ҳислар камол топади. Шуни айтиш керакки, касбий маданиятни шакллантириш ҳар бир кишининг шахс сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўзини билиш ёки англашида, бошқаришида фақатгина унинг билими ёки одоби етарли эмас, ҳис-туйғулар киши фаолиятига нисбатан аниқ билимларни қўллашга



суянишни тақозо қилади. Таълим жараёни меҳнат фаолияти ўқувчилар жамоаси ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришнинг асосий воситалари ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини тарбиялашда соғлом муҳит, завқли вазиятни вужудга келтириш муҳимдир.

Шуни айтиш керакки, ахлоқий ҳис-туйғу кишининг хоҳиши ва иродасида, турмушида, жамиятдаги вазиятда, ўқитувчи талабларини амалга оширишда, ўқувчиларнинг ўз ўрни ва мавқеини англашда ифодаланиш билан бирга ахлоқий онгнинг асоисни ташкил этади. Бу ўринда айниқса ўқитувчилар ўқувчилар билан ўтказилган мулоқотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан мулоқотга киришар эканлар, ўз онгила кишиларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини, хулқларидаги муайян намуналарни тасаввур қиладилар. Ўқитувчиларнинг фикри, кечинмаси, кўрсатмаси, хулқи ва хатти-ҳаракати таъсири остида ўқувчиларнинг ахлоқий ҳис туйғулари жараёнида ахлоқий маданиятни шакллантириш туйғулари кучайиши ёки аксинча сусайиши мумкин.

Касбий маданиятни шаклланишида кишининг хулқ - атвори муҳим ўрин эгаллайди. Хулқ – атвори касбий маданиятининг муҳим қисми бўлиб, у тадбир ва интизомда, ҳаёт нормаларини бажаришда, жамиятга, меҳнатга, одамларга нисбатан билдириладиган ахлоқий муносабатда намоён бўлади.

Ўқувчининг хулқ-атвори касбий маданиятини шакллантириш ўқитувчидан ахлоқий тарбия ишларини олиб боришни талаб қилади. Албатта бунда ўқитувчи хулқ- атвор маданиятини тарбиялашда унинг ахлоқий онгига, синф жамоасига асосланиши керак. Шу билан бирга ўқувчи фаолиятини тўғрни ташкил эта билиш ҳам хулқ – атвор маданиятини тарбиялашда самарали натижалар беради. Албатта бунда юқори синф ўқувчиларида хулқ – атворни тарбиялаш, уларни назорат қилиш, ҳатти-ҳаракатларига алоҳида аҳамият бериш билан бирга, доимий талбчан бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Шахсни касбий маданиятини шакллантиришда маънавий онг билан хулқ - атвор ўртасида, яъни сўз билан иш ўртасида бирлик бўлишга эриши

зарур, лекин бу бирлик ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки тинимсиз тарбиявий ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг хулқ-атвори ахлоқий тушунчаларни билиш билан белгиланмайди. Ўқувчининг ахлоқий маданиятини шакллантириш, унинг хулқини тарбиялаш ва хулқидаги салбий томонларни бартараф этиш ҳақида А.Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида атрофлича ёритилган. Авлонийнинг фикрича боладаги эзгу ва олижаноб ёки разил бадбин хулқ ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум шароит ва тарбия керак. Бола тарбиясида А.Авлоний тўхталиб: “Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга отланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиясиз ахлоқи бузулуб ўсса, аллоҳдан кўрқмайдургани, насихатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузук ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур”, - деб ёзади. А.Авлоний болани касбий маданиятини шакллантиришдаги матонат, дийнат, назорат, саъй ва ғайрат каби ўттиздан ортиқ хулқ сифатлари тўғрисида маълумот беради. Ўқувчи фаолиятини маданий манбаи ҳисобланган хулқ – атвори касбий маданияти шакллантиришни энг юқори босқичи ҳисобланади. Чунки ахлоқий билим, ҳис-туйғулар, хулқ-атвор ўқувчи хулқида намоён бўлади. Доно халқимизнинг “хулқ” ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир, “Хулқи йўқ” нақллари бежиз айтилмаган.

Демак, ўз хулқини одоб билан қуроллантирилган, қўлини эса тўғрилиқка одатлаштирган кишигина камолотга эришиши мумкин. Камолотга эришган инсон яхшилик билан ёмонликни фарқини билади, фойда билан зарар ўртасидаги тафовутни, чиройли фазилатларини англайди, ўз фаолиятида ёмон ҳислатлардан ҳоли бўлади.

## Умумий хулосалар

Аждодларимизнинг асрлар мобайнида яратган маданий бойликларини ноёб тарихий обидаларни авайлаб асраш, бойитиш ва келгуси авлодларга етказиш тадбирларини кўриш; халқимизнинг қадимий ва замонавий кадриятларини, адабиёти ва санъатни билиш ва ривожлантириш; ўзбек тилини тараққий эттириш; маориф тизимининг барча бўғинларида умуминсоний ва миллий кадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур ўрганишга эришиш каби шартларни амалга ошириш моҳияти ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришга яқиндан ёрдам беради.

Касби – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантиришда авваламбор касбий маданиятга хос бўлган атамалар (касбий маданият, касб бурчи, касб маъсулияти, ихтисос, касб ва ҳ.к) нинг мазмун моҳиятини чуқир англамоқ зарурдир. Шу билан бирга ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасаларининг олдида қўйилган муҳим мақсад – умуминсоний ва миллий кадриятларга таянган ҳолда таълим – тарбиянинг мазмунида инсонпарварлик, миллий истиқлол, комиллик ғоясини кучайтириш, халқчиллаштириш, унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларда касбий маданиятни шакллантиришдан иборатдир. Таълим муассасаларида тарбиянинг асосий тизим элементлари асосида (ёшларда истақ ва имконият мувофиқлиги туйғусини шакллантириш; миллийликнинг ўзига хос анъаналари ва воситаларига таяниш; шахснинг асосий касбий йўналиши, қобилият ва лаёқат, психологик хусусиятлари, билиш фаолияти ва шахснинг умумий йўналиши каби ихтисослик моделини тўғри тушуниш ва ҳ.к). Ўқув – тарбия ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларни тўғри ташкил этиш, ўқувчиларни касбий маданиятини миллий кадриятлар асосида шакллантириш муаммоларини ҳал қилишга катта имкониятлар яратади.

Инсоният ҳаёти давомида қадрланиб, ривожлантирилиб келинаётган назарий ва амалий жиҳатдан сайқал топган яхшилик, адолат, дўстлик, ҳурмат, имон, тинчлик, тенглик, устоз ва шогирд, инсонпарварлик,

меҳнатсеварлик ва бошқа умуминсоний фазилатлар ҳақидаги фикрлар ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларини касбий маданиятини миллий қадриятлар асосида шакллантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Шундай экан маънавий қадриятларнинг ўқувчилар касбий маданиятини шакллантиришдаги устиворлиги, бизнингча қуйидагича изоҳланади:

- маънавий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл – заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келажакдаги орзу – истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

- маънавий қадриятлар тарихий тараққиёт босқичига эга, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда аҳамиятли, авлоддан – авлодга ўқитувчи ижтимоий ҳодисадир.

- маънавий қадриятлар жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларини ифодаловчи ва сақловчи қудратли омилдир.

Буюк алломаларнинг таълим – тарбияга оид қарашларида таълим – тарбияга, касб – ҳунарга бўлган эътибор асосий ўринда туради. Бунинг асосий сабаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Марказий Осиё ва жаҳон маданиятининг юқори даражада юксалишига Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Дониш, Алишер Навоий, Маҳмуд Қошғарий, Суқрот, Ян Амас Коменский, Жон – Жак Руссо ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Демак , бу давр ўзининг ҳар томонлама юксаклиги, яратилган бой маданий мероси, миллий қадриятлари, жаҳонга машҳур алломаларнинг етишиб чиққанлиги билан қимматлидир.

Шундай экан, биз бу буюк мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизни ҳам баҳраманд бўлишларига уларнинг мана шундай маънавий муҳитдан камол топишига инсонпарварлик

фалсафаси, умуминсоний фазилатлар, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан жой олишига шароит яратмоғимиз лозим.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантиришда дарсда ва дарсдан ташқари пайтларда тарбиявий тадбирларни ўрни бениҳоя каттадир.

Тарбиявий ишларни тўғри ташкил этиш, ўқувчиларни касбий маданиятини шакллантириш муаммоларини ҳал қилишга катта имкониятлар яратади. Бу ишларни амалга ошириш учун маънавий – маърифий ишларни ташкил этиш тизими асосида ўрта махсус касб – ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини шакллантириш тизими ишлаб чиқилди. Дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ўтказиш ўз самарадорлигини беради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқув – тарбия жараёнида ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар ўқувчиларни ўқиш даврида меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳилларига ҳурмат, касбга бўлган ҳурмат, ишлаб мослашишни, касб – этикаси, жамоатчилик, меҳнатсеварлик, Ватанга садоқат, ўзаро дўстлик руҳида тарбиялайди.

Ўқувчиларда касбий маданиятни шакллантириш учун хоҳиш – истак ёки маънавий эҳтиёжларни ўзигина етарли эмас, балки ижтимоий муҳит, ижтимоий шарт – шароит, касбий муносабатларни белгилаб берадиган воситалар ҳам муҳимдир. Унинг асосида жамиятда амал қилаётган инсон хулқ – атвори меъёрларини белгиловчи ахлоқ ва миллий қадриятлар ётади. Шу боис, биз ишимизда юқоридаги фикрларни исботлаш, мақсадида қуйида қишлоқ хўжалик касб – ҳунар коллежларида тарбиявий тадбирлардан ҳисобланган “Ёш техникдар” ўйинли мусобақа дарс – тадбирининг ўтказилиш методикасини ишлаб чиқдик. Бу ўтказилган дарс тадбирлар ўқувчиларнинг миллий қадриятлар асосида олинган маънавий билимлари билан тўлдирилган қиёфаси унинг касбий маданиятининг бош мезони эканини исботлайди. Чунки, маънавий қиёфасиз кишида касбий маданият бўлмайди. Инсоннинг маънавий олами қанчалик бой бўлса, унинг касбий

маданияти ҳам шунчалик мазмундор, гўзал бўлади. Маънавий асос бўлмаган жойда касбий маданият ҳам бўлмайди.

Зеро, бу дарс тадбирида ўқувчиларнинг бажарувчилик ва технологик тартиб – интизом фаолияти доирасидаги қобилияти, мослашган (атабтацион) қобилияти ва маҳорати, касбий – ахлоқий соҳада қобилияти, расмий шахслар билан иш вақтидаги муносабатида, иш вақти ва касб ускуналарига нисбатан шахсий муомала маданиятига эга бўлиши, касбий муҳим ҳислатлар, меҳнатга йўналтириш, касбий ўсишга интилиш, ўз касби бўйича малакаларини кенгайтириш учун ишнинг самарали услубларини ўрганишга тайёргарлик ва қизиқиш, касбий билимларга эга бўлиш, касбий маҳорат ва кўникмаларга эга бўлиш, ўз меҳнатини режалаштириш ва вақтни кадрлаш, ўз ишини ва иш жойини илмий ташкил этиш, касбий феъл – атвор этикасига эга бўлмоқ, интизомлилик, хушмуомилалик, ўз – ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлиш, бўлажак кичик мутахассис касбий маданиятини ривожлантиришга таъсир этадиган ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, ўз – ўзига баҳо бериш ва ўзи-ўзига жазо беришга қодирлик, виждонлилик, ҳалоллик, инсофлилик, бирор мақсадга қаратилганлик, ташаббускорлик, алоқадорлик каби касбий малакалари шаклланади.

Шу билан бирга юқоридаги мақсадга (касбий малакаларни шакллантириш) эришиш учун ўқувчилар эгаллаётган касбнинг нозик, қайтарилмас, шахсий ижодий фаолиятга йўлловчи услублар орқали таълимнинг изланувчанлик усули ва шаклларида фойдаланиш мақсадга муфовиқдир. Бунда ўқувчи – устоз, узтос – шогирд муносабатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўргатувчи (таълим берувчи) ва ўрганувчи (таълим олувчи) муносабати ўргатувчига (таълим берувчи) шахсий услубиятини етказиб беришда янги изланишларга имкон берса, ўрганувчига (таълим олувчи) эса устознинг шахсий йўлларидаги нозиклик, ўзгалардан устун бўлувчи томонларни таҳлил этиб, ўзи ўзгартириш киритиши мумкин бўлган усулларни топишга ундайди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон 2011 й
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2009 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон 1999 й-352 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон 32 б. 1998 й.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон 480 б. 1998 й.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этиш. Т.: Ўзбекистон 30 б. 1998 й.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: “Шарқ” 1998 й -64 б.
8. Ашуров А. –Авестодан мерос маросимлар. Т.: 2001 – 32 б.
9. Абу Райҳон Беруний – Хикматлар, - Т.: 1993 й. 174 б.
10. Абу наср Фаробий – Фозил одамлар шаҳри Т.: 1993 й. 224 б.
11. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият Т.: 1992 й.
12. Жабборов А. Бекова Ш. Турмуш тарзи, таълим ва миллий ўзига хослик. Қарши Насаф. 2002 й 60 б
13. Кондаков И.М. "Диагностика профессиональных установок подростков" 1997 г.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Янги авлод 2001 й – 221 б.
15. М.Хайруллаев. Буюк сиймолар, алломалар – II китоб. Нашрга тайёрловчи Т.: 1996 й -120 б.

16. Нишонова С. Миллий кадриятлар ва баркамол инсон тарбияси. Халқ таълими. 1997 й. № 3. 17-20 б. Журнал
17. Рашидов Ф.Х., Ходжабоев А.Р., Р.К.Жўраев, Х.Ф.Масудов ва бошқалар "Ўрта махсус, касб-хунар талимдаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи" Тошкент 2000 йил
18. Суннатов Р.М., Парпиев У. «Касбга йўналтириш маслаҳатлари: методлар, муаммолар, имкониятлар», Тошкент 2001 йил.
19. Соғинов Н., Убайдуллаев Ф. "Ўқувчилар билан олиб бориладиган касб танлаш, касбга йўллаш ишларини ташкил қилишда психодиагностика методларидан фойдаланиш" Тошкент, 1996 йил.
20. Усмон Турон – Туркий халқлар мафкуриси – Т.: Чўлпон 1995 й – 104 б.
21. Қодиров К.Б. "Касб танлашга тайёргарликнинг психологик жиҳатлари ва касбий ташхис", Тошкент 2001 йил
22. Қодиров Б.Р., Қодиров И.Б. "Касбий ташхис методикалари тўплами" Тошкент, 2003 йил
23. Қуръони Карим – Алоуддин Мансур таржимаси – Т.: Чўлпон, 1992 й – 237 б.
24. Қуронов М – Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т.: Фан: 1995 й- 117 б
25. Ғозиев Э.Ғ., Умумий психология. 2010 й – 453 б.
26. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.К. "Касб психологияси" Тошкент 2003 йил
27. Ғозиев Э.Ғ., Ўқитувчиларнинг этнопсихологик хусусиятлари. Халқ таълими журнали № 1. 1999 й – 85-96 б.